Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

8 февраль 1972 йил, сешанба ✦ № 32 (15.203). ✦ Баҳоси 2 тийин.

ИЛМИЙ АТЕИСТИК ПРОПАГАНДАНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида янги кишини камол топтириш партиянинг энг асосий вазифаларидан биридир. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия XXIV съездига қилган Ҳисобот докладида «Кенг меҳнаткашлар оммасида коммунистик дунёқарашни шакллантириш, уларни марксизм-ленинизм ғоялари руҳида тарбиялаш — партия бутун ғоявий-тарбиявий ишининг негизи» эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ҳақиқатан ҳам совет кишисининг, янги жамият кишисининг қиёфаси, унинг коммунистик ахлоқи ва дунёқараши ўтмиш сарқитларига қарши олиб борилаётган муросасиз курашда таркиб топмоқда. Утмиш сарқитларига қарши кураш олиб бормай туриб, коммунистик ахлоқнинг ғалаба қозониши мумкин эмас. Шундай экан, бу иш бутун партиямиз диққат марказида турган энг муҳим масаладир. Маълумки, коммунистик қурилишда эришаётган муваффақиятларимиз, халқимизнинг моддий турмуш даражаси ўсаётганлиги, социалистик маданиятимизнинг гуллаб-яшнаётганлиги, фан ва техникамизнинг беқиёс муваффақиятлари кишилар дунёқарашида, онгида, хулқ-атворида катта ўзгаришлар ясамоқда.

Айни пайтда янги жамиятнинг актив қурувчиси, коммунистик идеалларнинг толмас курашчиси бўлган кишиларни тарбиялаб, камол топтиришга мана шу омиллар орқалигина эришиш мумкин деб ўйлаш хато бўлур эди. В. И. Ленин айтганидек, «одамлар ўртасида янгича ижтимоий алоқа формаларини барпо қилиш кўп йилларга ва неча ўн йилларга борадиган иш, бу ғоят улуғвор ва ғоят олижаноб иш»дир.

Илмий-атеистик пропаганда тарбиявий ишнинг энг муҳим қисмидир. Партия ташкилотлари илмий-атеистик тарбия билан шуғулланар эканлар, улар бутун совет кишиларида материалистик дунёқарашни ривожлантириш, чуқур коммунистик эътиқодни тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Жаҳонда буюк революцион ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги даврда миллион-миллион кишилар дининг реакцион моҳиятини, фан ва дин ўртасидаги чуқур қарама-қаршиликларни тобора ёрқин англаб олмоқдалар. Ҳозирги замонда юзага келаётган янги-янги илмий ихтиролар инсон ақлининг чексиз имкониятларидан далолат бериб, дининг асослари пуч нарсага қурилганлигини фош қилиб ташламоқда, дин оламидаги танглики тобора чуқурлаштирмоқда.

Партиямиз янги жамият қурилишининг ҳамма босқичларида динга нисбатан принципиал ленинча сиёсат ўтказиб келди ва бу сиёсатни оғишмай амалга оширмоқда. Партия атеизм масалаларини мамлакатда амалга оширилаётган революцион қайта қуришлар билан узвий боғлаган ҳолда ҳал қилмоқда. Жамиятимизнинг бутун тарихи социал тараққиёт кучая борган сари дин йўқола боради деган марксча қоиданинг нақадар тўғрилигини кўрсатиб турибди. Мамлакатимизда социализм қурилиши инсоният тарихида биринчи марта оммавий атеизмни юзага келтирди, социал иқтисодий жиҳатдангина эмас, балки маънавий жиҳатдан ҳам озод бўлган янги кишининг камол топишига ёрдам берди.

Аҳолининг моддий ва социал ҳаёти тубдан яхшиланганлиги, синфий ва миллий зулмнинг тугатилганлиги, партия ва давлатимиз олиб борган улкан тарбиявий ишлар, халқ маорифининг ривожланиши—буларнинг ҳаммаси миллион-миллион кишиларни диний оғудан халос қилишга олиб келди.

Мамлакатимизда диннинг социал илдизлари қирқиб ташланган, асрлар бўйи дин таяниб келган социал база — эксплуататорлик тузуми тугатилган. Лекин бундан диний сарқитларга қарши кураш олиб бориш шарт эмас деган маъно келиб чиқмайди. Чунки ҳали аҳолининг жуда оз бўлсада, муайян қисми онгида диний сарқитлар сақланиб келмоқда. Бу сарқитлар ўз-ўзидан йўқолиб кетади деб бўлмайди.

Илмий-атеистик пропаганданинг форма ва методлари бой ва хилма-хилдир. Илмий атеистик лекциялар, динга ишонувчилар билан суҳбат, савол-жавоб ва тематик кечалар ўтказиш сингари усуллардан кенг фойдаланиш лозим.

Республикамизда илмий-атеистик пропагандани ҳозирги талаблар даражасига қўйган область ва районлар оз эмас. Жумладан, Тошкент, Андижон, Самарқанд областларининг партия ташкилотлари «Билим» жамияти бўлимлари билан биргаликда аҳоли орасида катта иш олиб бормоқдалар. Улар атеист лекторлар составини қайта кўриб чиқиб, билимдон ва малакали ўқитувчилар, врачлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари, адабиёт ва санъат арбобларини бу ишга жалб этдилар. Бу кишилар диннинг илм-маърифатга батамом қарама-қарши характерини ишонарли далиллар билан очиб ташлашга қодирдирлар. Республика атеизм уйи йўли билан ўтган йили атеистик темада юздан ортиқ семинар, тўрт юзга яқин атеистик кеча ва савол-жавоб кечалари ўтказилди, ўндан ортиқ лекция текстлари тайёрланди. Бу ҳол илмий атеистик темаларда ўқилаётган лекциялар сифатини яхшилаш, таъсирчанлигини ошириш имконини бермоқда.

Фарғона область партия комитети коммунист ва комсомолларни, кенг жамоатчиликни бу ишга жалб этиб, тўғри йўл тутмоқда. Областдаги кўпчилик клублар, маданият уйлари, колхоз ва совхозларнинг кутубхоналарида илмий атеизм бурчаклари ташкил этилган, улар тегишли адабиётлар билан таъминланган.

Бироқ ҳамма жойда ҳам илмий атеистик пропаганда кўнгилдагидек олиб борилмпти, деб бўлмайди. Илмий атеистик пропаганда деганда фақат аҳоли орасида лекция ва суҳбатлар уюштиришни тушунадиган партия ташкилотлари ҳам йўқ эмас. Бу ташкилотлар ва уларнинг ходимлари ўтказилган суҳбатларнинг мавзуи ва миқдорини рўйхач қиладилар-у, лекин бундай тадбирларда диндорлар қатнашяптими ё йўқми, ўтказиладиган суҳбатларнинг таъсирчанлиги қандай бўлмоқда — мана шунга ўхшаш масалаларни ҳатто ўйлаб ҳам кўрмайдилар.

Меҳнаткашларни атеистик руҳда, коммунистик илмий дунёқараш руҳида тарбиялаш партия ташкилотларининг энг муҳим бурчидир. Бу масалалар область, шаҳар ва район партия комитетларининг бюро мажлисларида тез-тез муҳокама қилиб турилиши, бу ишнинг кўлами ва савияси бутун чоралар билан оширилиши лозим.

Биз коммунизм кишиларини, янги жамиятнинг актив қурувчилари ва ғоявий жангчиларини тарбиялашимиз лозим. Бу жуда муҳим вазифани сидқидилдан бажариш учун кураш идеология фронти барча жангчилари қатори илмий-атеистик пропаганда олиб борувчиларнинг ҳам муқаддас бурчидир.

Пойтахтимиздаги экскаватор заводи республикамизнинг йирик корхоналаридан бири ҳисобланади. Унинг коллективи СССР ташкил топган куннинг 50 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишламоқда. 2-цехнинг фрезерчиси Эльмир Ҳабибуллин бир йўла тўрт станокда ишламоқда. У беш йилликнинг иккинчи йилида ўз зиммасига олган шахсий мажбуриятини муддатидан илгари бажаришга аҳд қилган. Суратда: пешқадам ишчи ўртоқ Э. Ҳабибуллин.

И. Глауберзон фотоси.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ *қарорларини* АМАЛГА ОШИРАМИЗ



ЗАВОД ҚОЛОҚЛИКДАН ЧИҚДИ

Урганч шина ремонт заводи иш доирасини кенгайтирди: энди у Хоразм автомобилчиларидан ташқари туркман қўшнилари — Тошовуз области автобазаларига ҳам хизмат қилмоқда.

Шиналарни алмаштириб бериш пунктлари икки баравар кўпайтирилди. Заводга қарашли бу пунктларда сийқаланган автопокришкалар қайта тиклаш учун қабул қилиниб, янгилари доимо юбориб турилади. Урганчлик усталар «Волга»дан тортиб «МАЗ»гача бўлган ҳар қандай маркадаги автомобилларни «пойафзал» билан таъминламоқдалар.

Бундан бир йил муқаддам ёш корхона қолоқлар қаторида тилга олинар эди. Энди эса у маҳсулотини реализация қилиш жиҳатидан ҳам, маблағ жамғариш жиҳатидан ҳам, бошқа кўрсаткичлар жиҳатидан ҳам Хоразмдаги энг яхши корхоналардан бири бўлиб қолди. Бу — маҳсулот сифати кескин яхшиланганлигининг натижасидир. Ҳозир завод маҳсулотига талаб тобора ўсиб бормоқда. Шиналарни қайта тиклаш технологияси такомиллаштирилди, қўшимча поток линиялар ишга туширилди.

Шу туфайли Урганч заводининг покришкалари анча узоқ муддат хизмат қиладиган бўлиб қолди, уларнинг ўзи эса тўрт баравар арзонга тушмоқда.

Ф. КОСТЮШКИН,
ЎзТАГ мухбири.

МАРҲАБО, КАСБДОШЛАР

ДИРЕКТИВА ОБЪЕКТЛАРИ ЙЎҚЛАМАСИ

Бухоро ип-газлама комбинати қурилишида ҳал қилувчи давр бошланди. Корхонанинг 60 минг урчуғи бўладиган биринчи навбати қурилишини тўртинчи кварталгача тамомлаш учун кураш бормоқда.

Корхонани ишга тушириш, унга ўрнатилган энг замонавий асбоб-ускуналардан унумли фойдаланиш учун юқори малакали ишчилар, инженер-техник ходимлар керак. Комбинатда ишчиларга талаб катта эканини қуйидаги мисолдан ҳам кўрса бўлади. 1-ип йигирув фабрикасини тўла-тўкис ишга солиш учун 540 юқори малакали йигирувчи, 25 ремонтчи, 25 мастер ёрдамчиси ва бошқа ишларни адо этадиган техниклар керак бўлади.

Хўш, бу кадрларни тайёрлаш учун нима ишлар қилиняпти? Комбинатнинг 1972 йилда ишга тушишини эшитган киши бизга ана шундай савол билан мурожаат қилиши табиий. Бизга малакали ишчилар тайёрлашда, аввало Тошкент ва Фарғона тўқимачилик комбинатлари қошидаги ҳунар-техника билим юртлари ва Бухородаги махсус техника мактаби катта ёрдам кўрсатмоқда. Бу билим юртларида нелажакда корхонамизнинг машина ускуналарини ишга соладиган йигит-қизлар таълим олаётир. Бундан ташқари, комбинатда ишлаш истагини билдирган ёшлар Тошкент, Фарғона ва Марғилондаги комбинатларга тўқувчилик касбини ўрганиш учун юборилмоқда. Бизга ариза билан мурожаат этган 250 дан ортиқ киши энди ана шу корхоналарда малака оширмоқда.

Тошкент политехника институтининг Бухородаги филиалида махсус тўқимачилик факультети ташкил этилди. У келгусида корхонамизни инженер-техниклар билан таъминловчи энг асосий таянчи бўлиб қолади. Бу ишларда бизга партия ва совет ташкилотлари ҳам яқиндан ёрдам бермоқда.

Илгари Бухоро ўзининг газни, олтини ва пахтаси билан машҳур эди. Энди областнинг довруғини янада оширадиган ип-газлама комбинати қурилиши босқичма-босқич қиёмига етмоқда. Кўҳна Бухоро ўзининг ип-газламаси билан ҳам эл оғзига тушадиган кун яқин. Бу довруғли улкан комбинатда ишловчилар учун барча зарур шароитлар яратиб берилади. Тўқувчиларга атаб 50 минг кишилик шаҳарча қурилиши режаланган. Ҳозир ишчилар учун тикланаётган иккита уй-жой биноси қурилиши битди. Кўпгина биноларга пешма-пеш пойдевор ётқизилмоқда. Борган сари корхонада ишлаш истагини билдирган йигит-қизларда и кўплаб хатлар оляпмиз. Биз тўққизинчи беш йилликнинг йирик Директива объектларида ишлаш истаги бўлган ёшларга қарата «корхонамизга марҳабо» деймиз.

Ҳ. ФОЗИЛОВА,
Бухоро ип-газлама комбинати директорининг кадрлар бўйича ўринбосари.

ҒОЗҒОН МАРМАРИ— ТОШКЕНТ МЕТРОСИГА

Партия ва ҳукуматимизнинг республикамиз пойтахти Тошкентда метрополитен қуриш тўғрисидаги қарори барча қатори Ғозғон мармар кони бошқармаси ишчи-хизматчиларини ҳам севинтирди.

Ғозғон — етти рангда садафдек жилоланувчи қимматбаҳо мармарнинг конидир. Ғозғон мармари Москва, Ленинград, Киев шаҳарларининг метрополитенлари, Кремлнинг Съездлар саройи, Тошкентдаги В. И. Ленин музейи филиали, Алишер Навоий номидаги опера ва балет катта академик театр биноси, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент давлат университети бинолари ва бошқа кўпгина биноларга сайқал берган.

Эндиликда камалакнинг етти рангида товланувчи—оқ, қора, қизил, кўк, бинафша, сариқ рангдаги мармарлар Тошкент метрополитенига жило беради. Ғозғонда ҳозир мармар заводи, тошни қайта ишлаш фабрикаси қуриш ҳамда ишчилар учун турар-жой ва турли маданий-маиший объектлар қуриш ишлари жадал бормоқда.

Ғозғон мармарига талаб катта. Иттифоқимизнинг кўпгина йирик шаҳарларидан, шунингдек Польша, Болгария, Чехословакия, Ливан, Япония каби мамлакатлардан буюртмалар келмоқда. Ҳозиргача Ғозғон мармари 40 дан ортиқ чет мамлакатга чиқарилган. Биз яқинда ана шу оламга манзур бўлаётган мармарни қазиб чиқарувчилар ҳузурида бўлдик.

Ердан 50 метр чамаси пастга тушдик. Резина шланглар гўё қон томирларидек ҳар томонга ёйилган.

— Шу шланглар орқали пўлат пармаларга кучли ҳаво босими юборилади, — деди кон бошқармасининг бошлиғи Набижон Ниёзов. — Тош пармаланиб блок-харсангларга ажратилади. Уларнинг ҳар бири 3-8 тонна келади. Парма тошнинг қаерга тўғриланса ҳаш-паш дегунча пориллаб бўғзигача ботади.

Воҳид Ҳабибов бошчилик қилаётган коммунистик меҳнат коллективи иши диққатга сазовор. Улар мармар қазишдек мураккаб ишни моҳирлик билан адо этмоқдалар. Улар тез ва сифатли пармалаш сирларини эгаллашган. Бригада тўрт кишидан иборат. Кунига пландаги 11 ўрнига 15-18 куб метрдан мармар қазиляпти.

Конда иш ўзаро мусобақа асосида ташкил этилган. Коллективнинг учдан икки қисми ёшлар. Ўз касбига ихлос уларнинг бу қийин ва шарафли ишда муваффақият қозонишларига сабаб бўлмоқда. Компрессорчи Жайсан Тўқсонов, кранчи Асабой Қурбонов, экскаваторчи Расул Раҳимовларга ўхшаш ўнлаб меҳнатсеварлар мусобақада олдинда боришяпти.

Конда иш кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Агар бундан беш йил илгари бор-йўғи 60 киши ишлаган бўлса, ҳозир ишчилар сони 300 га яқинлашиб қолди. Меҳнат унумдорлиги ҳам йил сайин ошмоқда. Бултур меҳнат унумдорлиги 28,5 процент ошди. Бу йилги режалар ҳам катта. Коллектив 7200 куб метр блок—харсанг ва 22 минг тонна майда тош ишлаб чиқариш мажбуриятини олган. Улар беш йиллик маррасига тўрт ярим йилда эришишга аҳд қилишган.

— Шу кунларда, — дейди кон бошқармасининг бошлиғи Набижон Ниёзов, — ишчилар тошкентликлар буюртмасини бажонидил бажармоқдалар. Тошкент метроси учун ишлатиладиган мармар Самарқанд ва Тошкентдаги тошни қайта ишлаш заводларига юборилиб, сайқал берилмоқда.

Р. ЧИНМИРЗАЕВ,
М. РАҲМАТОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўрта Осиё темир йўли бошлиғининг ўринбосари Георгий Минасович **Саркисовнинг** темир йўл транспортидаги узоқ йиллик, самарали ишн учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан уни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

ИККИ ЗАРБДОР

Андижон трикотаж фабрикасида нуқул аёллар ишлайди. Цехлар, бригадаларни ҳам хотин-қизларнинг ўзлари бошқарадилар. Кудратли тўқув дастгоҳлари, тикув машиналари аёллар измида. Инженер-техник ходимлар, мастерларнинг аксарият қисми хотин-қизлардир. КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун астойдил курашаётган ишчан коллектив орасида кўплаб меҳнат зарбдорлари бор. Ҳақиқий дарғалар шулар. Уларнинг номи тилларда достон. Қуйида ана шу донгдорлардан иккитаси билан сизни таништирмоқчиман.

ИШЧИЛАР САРДОРИ

Оминахон ҳар куни мана шу сўқмоқдан ишга бориб шу сўқмоқдан қайтади. Йўл четларидаги дов-дарахтлар, гиёҳлар таниш. Уларни неча бор кузатиб ўтган. Аммо бугун ҳаммаси бошқача—япроқлар жонлангандай, ариқдаги сув шитоб билан тўлғаниб-тўлғаниб оқади. Бутун борлиқ уни қутлаётгандай.

Оминахон билолмайди, — чиндан ҳам табиат ўзгариб кетганми ёки унга шундай туюляптими? Бунга албатта, бугунги йиғин сабабчи. Илгарилари бунақа мажлисларда кўп бўларди. У ерда илғорлар қатори ўз номи тилга олинганида лов қизариб қўярди-ю, тағин ўзини тутиб боягидек ўтиравергарди. Ҳозир бўлса фабрикадан чиқиб, уйи томон кетяпти ҳамки, ҳаяжони босилмайди. уни қувончдан кўра кўпроқ масъулият ҳаяжонга соладн.

Партия ва ҳукуматимиз Оминахоннинг меҳнатини муносиб тақдирлади. Аввалги йили Ленин юбилейи медали билан сийлаган эди. Энди эса Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлади. Дугоналари бу хушхабарни эшитгач, уни ўраб олишди, гап бермай қўлларини кисишди, худди ўзлари мукофотлангандай хурсанд бўлишди.

«Мукофотга лойиқ иш қилдимми?» деган фикр Оминахонга сира тинчлик бермасди. Мана энди унинг зиммасига янада кўпроқ, каттароқ масъулият юкланадиган бўлди.

У йўлда бораркан, беихтиёр фабрикага кириб келган пайтини эслади. Ўрта мактабни битиргач, тикувчи бўлишни дилига тугиб қўйди. Газетада Андижон трикотаж фабрикаси қурилиши ниҳоясига етай деб қолгани ва унда ишлашни хоҳловчи хотин-қизлар Ленинградга ўқишга юбориланжаги ҳақида эълон босилиб чиқди.

Оминахон Ленинградга бориб олти ойлик тикувчилар тайёрлаш курсини битириб келди ва трикотаж фабрикасига шогирд бўлиб ишга кирди. Тикувчилар бу ушоққина, ёш қизни ўз бағрларига олдилар. Биринчи кунданоқ ишга астойдил киришиб кетди. Устозларининг маслаҳатига амал қилиб, ҳар бир нарсага зеҳн билан қаради. Машинани ипидан-игнасигача ўрганишга ҳаракат қилди. Кўп ўтмай мустақил ишлай бошлади. Коллектив орасидан ўз ўрнини топиб олди. Кўзга кўринган ишчилар ёнига кириб қолди.

Вақт оқар сувдек тез ўтади. Мана шунга ҳам қарийб олти йил бўлибди. Бу орада Оминахон Рўзиева катта обрў қозонди. Шогирд эди, устоз бўлди. Сурати Ҳурмат тахтасига қўйилди. Фабрика касаба союз комитети ва цех халқ контроли группасига аъзо қилиб сайланди.

Фабрикадаги бир гуруҳ ишчиларга коммунистик меҳнат зарбдори фахрий унвони берилди. Оминахон улардан ибрат олди, коммунистчасига ишлаш, коммунистчасига яшашга аҳд қилди. Бу фикрини цех бошлиғига айтди. Уни коммунистик меҳнат зарбдори номини олиш учун мусобақалашаётганлар рўйхатига қўшиб қўйишди. Энди унинг ишини фабрика партия ташкилоти, касаба союз комитети назорат қила бошлади. Унга жамоат топшириқлари бериб, оммавий-сиёсий ишларга жалб этишди. Ниҳоят, Оминахоннинг бу орзуси ҳам ушалди, унга коммунистик меҳнат зарбдори номи берилди.

Оминахон ўз тақдирини фабрика ишлаб чиқариши билан чамбарчас боғлади. Кўпчилик иши учун жон куйдирди. Бошқаларга ўрнак кўрсатиб меҳнат қилди. Маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархини камайтириш учун курашда гобланди. У ёш бўлса ҳам ақлли камтар, сермулоҳаза қиз. Ишнинг кўзини, машинанинг «тили»ни билади. Агар у бузилиб қолса, бошқа ишчиларга ўхшаб, устани кутиб ўтирмайди. Ўзи тузатиб олади. Машинани кўз қорачиғидек асрайди. Вақтида артиб, тозалаб, мойлаб туради. Иш жойи ҳамиша озода, саранжом-саришта...

Моҳир тикувчи саккизинчи беш йиллик планики тўрт йилда уддалаган эди. Тўққизинчи беш йиллик планини эса уч ярим йилда бажаришга аҳд қилди. Шу кунларда сўзининг устидан чиқиш учун қатъият билан ишлаяпти. ҳар сменада 180 та ўрнига 350 та майканинг ёлка қисмини тайёрлашга муваффақ бўлмоқда.

Шогирд етиштирмаган уста мевасиз дарахтга ўхшайди. Буни яхши англаган Оминахон янги келган ишчиларга ёрдамини аямайди. У кейинги уч йил ичида 50 дан ортиқ хотин-қизга тикувчиликни ўргатди.

МАСТЕРНИНГ ОБРЎСИ

Тикувчилик цехининг бошлиғи Надежда Ивановна Плехова мастер Замира Саидхўжаева ҳақида илиқ гаплар айтди. Уни ишчан, тадбиркор, принципиал, ҳамиша олға интиладиган ишчилардан деб мақтади:

— Ҳар доим одамларга нафим тегса дейди. Дилором Содиқова ишга келмай қўйди. Бир кун кутдик. Икки, уч кун ўтди. Иш тўхтаб қолди. Ундан ҳамон дарак йўқ эди. Замира ишдан сўнг дугонасидан хабар олди, кўнгил сўради. Дилором онаси билан бошқа уйга кўчиб ўтибди. Моддий ёрдамга муҳтож эканлигини айтди. Замира унинг кўнглини кўтарди. Бу ҳақда фабрика маъмуриятига хабар берди. Дилоромга ёрдам кўрсатилди. У рўзғор ташвишларидан қутилгач. ишга қайтди.

Замиранинг бу одати ҳаммага ёқади. Ундан бутун коллектив миннатдор. Бир кун Анвархон Солиева деган қиз бетоб бўлиб ишга келмай қолди. Замира унинг йўқлигини билинтирмади. Ўз ишини бирёқли қилгач, дугонаси учун ҳам ишлади...

Мастердан яхшилик кўрган бундай ишчилар кўп. Меҳнатсеварлик, одамларга меҳрибонлик — Замиранинг энг яхши фазилатларидан. у коллектив билан жуда ичоқлашиб кетди. Ишчилар ундан ибрат олишяпти. Унинг обрўси ҳам шунда. У мастерлик қилаётган конвейерда иш намунали ташкил этилган. Бу ерда 38 хотин-қиз ишлайди. Ҳаммаси сергайрат. ишнинг пасти-баландини биладиган омилкор тикувчилар. Ҳар ким ўз юкини ўзи кўтаради. Шунинг учун бу участкада ойлик планлар сурункасига ошириб бажарилмоқда. Ҳар сменада эркаклар учун 500-600 та ички кийим ишлаб чиқариляпти. Бу планда кўзда тутилганидан анча кўп.

Замира жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб келаётир. Фабрика касаба союз комитетининг аъзоси сифатида анча ибратли ишлар қилди. Ўз малакасини тинмай оширяпти. Марксизм-ленинизмни ўрганиш кечки университетида таълим олмоқда. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Андижон машинасозлик техникумининг трикотаж бўлимида ўқияпти...

Замира Саидхўжаева фабрика остонасига илк дафъа қадам қўйган маҳалида бундай эл оғзига тушишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Унинг иш фаолияти 1967 йилдан бошланган. Тикувчилик санъатини Холисхон опадан ўрганган. Кейин мустақил ишга ўтди. Оддий тикувчи бўлиб ишлади. Ўз бурчини садоқат билан ўтади. Икки ишчининг ишини бажарган кунлари кўп бўлди. Мана энди участка мастери...

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЯЙЛОВЛАРДА

Ўзбекистон яйловларида қиш, айниқса совуқ келди. Бепоён даштларда қор бўронлари, изғирин шамол эсиб турибди. Республикадаги бир қанча қоракўлчилик хўжаликларида мол қишлови бу йил қийин шароитларда ўтмоқда.

—Самарқанддаги «Нурота» совхози ўз чорвасини Нурота тоғ тизмаси этакларида боқади, — деди Ўзбекистон ССР совхозлар министрининг ўринбосари М. Қодиров ЎзТАГ мухбирига. —Шу совхоз яйловларидаги қорнинг қалинлиги 25 сантиметрга боради. Бухородаги «Шофиркон» совхозининг яйловларида эса қорнинг қалинлиги ўттиз сантиметр ва ундан ҳам ошади. Бухородаги «Оёққудуқ», «Коммунизм», «Кўкча» совхозларининг ҳамма яйловлари қор остида қолди.

Ҳозир чўпонларнинг бригадаларида чорва молларни боқиш учун нормал шароит яратиш, молларнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик чоралари кўрилмоқда. Кўтонлар иситилмоқда, ем-хашак ташиб келтирилмоқда.

Қоракўл қўйлар ўз табиатига кўра жуда ҳаракатчан бўлади. Ҳозирги вақтда, қаттиқ совуқ даврида уларнинг бу хусусияти жуда асқотади. Қўйларнинг музлаган ерда ётиб қолиши уларнинг нобуд бўлишига олиб келади. Шунинг учун ҳам чўпонлар отарларни айниқса тунги пайтларда уйғотиб, ҳаракатлантириб туришибди. Кўтонлар атрофидаги яйловларнинг қорини кураб, ўтларга ёпишиб қолган музлар қириб ташланмоқда. Шу тариқа қўйлар ҳаракат қилиб, ўтлаб юрадиган участкалар очилмоқда. Уларни суғориш учун бу ерга артезиан қудуқлардан иссиқ сув ташиб келтирилмоқда.

Қор босган йўлларда эса ем-хашак, иситиш буюмлари ва озиқ-овқат ортилган автомобиллар кетма-кет қатнаб турибди. Ҳар қандай шароитда ҳам юра оладиган 450 та автомашина чорвадорлар хизматига ажратиб берилган. Бу машиналар саҳро йўлларида кечаю-кундуз қатнамоқда. Уларни саҳро йўлларини яхши биладиган тажрибали шофёрлар бошқариб бормоқда.

Давлат чорвадорларга катта ёрдам бермоқда. Қишлов бошланганидан бери колхоз ва совхозлар салкам 30 минг тонна омихта ем, 5,5 минг тонна шрот, минглаб тонна дон шаклидаги ем олдилар. Озуқа ресурслари ортиқча бўлган хўжаликлар ўз қўшниларига емни қарзга бермоқдалар. Томдидаги колхоз ва совхозларга Бухоро областининг суғориладиган зонадаги хўжаликлари 5 минг тонна кертилган дағал хашакни дўстона ёрдам тариқасида бердилар. Қашқадарё областидаги «Ўзбекистон» совхози ҳам кўп миқдордаги дағал хашак ва концентратларни қўшни хўжаликларга берди.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ СЕКРЕТАРИ МИНБАРИ

КОММУНИСТ ИБРАТИ

Ишлаб чиқаришни юксалтиришда ҳар бир коммунистнинг авангардлигини таъминлаш, новаторлар сафини ўстириш партия ташкилотининг диққат марказида турибди. Биз бу соҳада кўпроқ цех бошланғич партия ташкилотлари ҳамда партия группаларининг куч-ғайратига таянib иш юритамиз. Бизнинг комбинатимизда 34 цех партия ташкилоти, 10 дан ортиқ партия группалари бор. Улар теварагига 600 дан зиёдроқ КПСС аъзоси уюшган. Ҳар бир коммунист маълум партия топшириғига эга. Бу тадбир партия аъзосининг коллектив ўртасида обрў-этиборини ошириш билан бирга уларга масъулият юклайди.

Коммунист В. Н. Виднеева бир неча йилдан буён 3-цехда электр слесарь бўлиб ишлайди. Топшириқларни доимо ортиғи билан бажаргани, жонкуяр жамоатчилиги билан кўпчилик ҳурматини қозонган. Шунинг учун коммунистлар унга катта ишонч билдириб, партия группасининг ташкилотчиси қилиб сайлашди. Группада 8 коммунист бўлиб, уларнинг ҳар бири меҳнатда шахсий ибрат кўрсатмоқда. Муҳаммад Гадоев, Василий Петров, Георгий Давидовларнинг ғайрат-ташаббуси туфайли бу ерда ишлаб чиқариш топшириқлари муваффақиятли бажарилмоқда. Партгруппада социалистик мусобақа шартларининг бажарилиши, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, новаторлар тажрибасини оммалаштиришга алоҳида эътибор берилянти. Илғор аппаратчи Зайнаб Яличева бошқараётган партия группасининг фаолияти ҳақида ҳам илиқ гапларни айтиш мумкин. Группада 11 коммунист бор. Уларнинг ҳар бири ўз бурчини сидқидилдан бажаради. Меҳнатда ҳам, оилада ҳам, жамоатчилик ўртасида ҳам бошқаларга ўрнак бўлиш — группа коммунистларининг жанговор шиори бўлиб қолган.

Корхонамизнинг темир йўл цехи ўзининг ветеран коммунистлари билан салмоқли ўринга ҳамда шуҳратга эга. Бу ерда комбинат пойдеворига биринчи ғиштларни қўйган А. Л. Сенёв, М. И. Берегин, И. А. Дорохин, Ю. А. Брунов сингари кекса ишчилар меҳнат қилишади. Улар ишлаб чиқариш маданияти, эстетикаси ва меҳнатни илмий асосда ташкил этишни янада яхшилаш ташаббусини бошлашди. Биз мазкур цех коммунистларининг илғор тажрибасини оммалаштириш мақсадида партгруппа ташкилотчиси А. Л. Сенёвнинг ҳисоботини эшитдик. Ветеран коммунистлар ҳаёти ва меҳнати ёшларга ибрат қилиб кўрсатилди. Шу кунларда токарь Г. Г. Корягин бошчилик қилаётган электромеханика цехи партия группасининг социалистик мусобақани ташкил этишдаги иш услуби ўрганиляпти. Социалистик мусобақа цех меҳнат аҳлининг ижодий ташаббусини ривожлантириш, коллектив ҳамкорликни шакллантириш, ишчиларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим ва самарали омили бўлиб хизмат қилаётир.

Комбинат партия комитети партия группаларининг авангардлигини оширишда социологик тадқиқотлар ўтказиш усулидан ҳам фойдаланяпти. Биз бюро аъзолари билан келишган ҳолда корхона коммунистлари ўртасида анкета тарқатдик. Бу анкетада коммунистга: «Сизнинг тўққизинчи беш йилликдаги шахсий режаларингиз қандай?», «Қандай партия топшириғини бажаришни истар эдингиз?», «Оилавий шароитингиз, ота-онангиз, қариндош-уруғингиз қаерда нима ишлар билан шуғулланади? Сиз уларнинг меҳнати, турмушидан розимисиз?» каби қатор саволлар берилди. КПСС аъзоларининг асосий қисми янги беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш йўлидаги режалари, партия топшириқларини виждонан бажараётганликлари, турмуши, ота-онасининг ҳаётдан мамнун бўлиб яшаб, меҳнат қилаётганликларини баён этадилар. Анкетага олинган жавоблар бир неча партия группасида коммунистларнинг йиғилишларида муҳокама этилиб умумлаштирилди.

Партия группалари ғайрат-ташаббусининг жўш ураётганлиги корхонада меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот салмоғи ва сифатини яхшилашга имкон бермоқда. Партия группаси ташкилотчиси смена охирида КПСС аъзоларини йиғиб, иш натижалари, янги вазифалар, айрим коммунистларнинг меҳнат фаолияти билан изчил таништириб боради. Группорг бу йиғилишда корхона партия комитети ёки бошланғич партия ташкилоти томонидан қўйилган вазифа, бутун корхона ҳаётида содир бўлаётган янгиликлар ҳақида коммунистларни хабардор қилиб боради. Буларнинг ҳаммаси партия группалари фаолиятини активлаштиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Навоий химия комбинатида тўққизинчи беш йиллик режаларини муваффақиятли амалга ошириш учун реал имкониятлар бор. Ҳозирги кунда юксак суръат, аъло сифат ва тежамкорлик учун курашни янада кучайтириш муҳим вазифадир.

И. КУКАРЦЕВ,
Навоий химия комбинати партия комитетининг секретари.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» КОНКУРСИГА

АРХИТЕКТОР

ОЧЕРК

Дераза лари катта-кичик пастаккина уй. Иморатнинг иккинчи ярмида эса дераза йўқ. Архитекторлар тили билан айтганда, тугал образга эга бўлмаган бино. Бугун баликчалар мана шу идора ўрнига замонавий иморат қуриш масаласида тўпланишган. Шу вақтгача энг катта деб ҳисоблаб келинган хона энди торлик қилиб қолганидан, одамлар анча зич ўтиришибди. Даврада аёллар кўринмайди. Пастаккина шифтнинг қанақа рангдалигини папирос тутунидан билиб бўлмайди. Ташқарида ёмғир эзиб ёмоқда. Кундузи бўлса-да, хонадаги чироқ ёқиглиқ.

Ёшгина йигит папироси қолдиғини кулдонга эзғилаб ўчирди-да, ўрнидан турди. Ўтирганларни «Дальриба» хавзаси балиқ тутиш ва давлатга топшириш планини бажаргани билан қизғин табриклади. Бирдан шифтни ларзага келтиргудек қарсак янгради... Кейин колхоз посёлкаси қурилишидаги перспектив план ҳақида қисқача гапириб: «Энди сўз навбати Ўзбекистондан келган архитектор Абдулла Бобохоновга», деди колхоз раиси.

Абдулла ака шошилмай, жиддий оҳангда гап бошлади. У ўзбек пахтакорлари Ватан хазинасига тўрт ярим миллион тоннадан ортиқ пахта топшириб, социалистик мажбуриятларини ҳам бажарганликларини айтди. Абдулла ака гапни секин-аста тезлатди. Мана энди у ёниб гапиряпти. Ишкомларида узумлар, полизларида қовун-тарвузлар, боғларида анор, қирмизи олмалар ғарқ пишган ўзбек диёридан Узоқ Шарқ балиқчиларига алангали салом топшириди. «Солнечний Узбекистан» сўзини эшитгану, аммо юртимизни ҳали кўрмаган меэбонлар Абдулла ака гапларини худди эртак эшитаётган болалардай берилиб тинглашарди.

Умр майзилининг олтмишинчи пиллапоясидан ўтган бўлса-да, Абдулла ананинг нийниши ҳушрўй йигитлардай дадил ва ҳаракатлари ҳаққон эди. У ғўё лозим бўлган барча ишларни энди қиладиган, бутун фаолияти энди бошланаётгандай ғайратли кўринарди. Бу ерда ўтирганлар албатта. Москва Архитектура институти аспирантурасига биринчи кирган ўзбек, Қуйбишев номидаги ҳарбий-инженерлик академиясини тамомлаб Улуғ Ватан урушида ҳаракатдаги армияда хизматда бўлган офицер, ўзбек совет архитектураси ҳақида эълиқдан ортиқ илмий мақола, «Ўрта Осиё ирригация иншоотларининг архитектураси» ҳақида катта монография ёзган профессор, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқондаги архитектура ёдгорликларини обдон ўрганган, Ўзбекистонда энг кўп бино қурган меъмор шу киши эканини билишмасди.

Ўзбекистонлик меъмор мавзуни ўзгартирди. Энди вазмин гапира бошлади:

— Мана бу «Дальколхозрибпроект» институти томонидан 1968 йилда колхоз учун тузилган лойиҳада: клуб, идора, магазин, меҳмонхона, ошхона алоҳида-алоҳида қурилиши кўрсатилган. Шу иморатлардан учтаси марказий йўлнинг денгиз томонида бўлиши планлаштирилган. Бу уничалик тўғри эмас, чунки бу биналар денгиз узра уфқларга туташиб кетган табиий кўриниш ансамблини тўсиб қолади. Шунингдек, қурилиш кўп жойни эгаллайди, қимматга тушади...

Абдулла ака кўзойнагини қўлига олиб, залга зимдан назар ташлади. Ўтирганлар берилиб тинглашаётганига қаноат ҳосил қилгач:

— Мен ўз ишимда, — деб давом этди, — табиий шароитни ҳисобга олган ҳолда беш жойга эмас, катта, кўп қаватли битта бино қурилишини лозим топдим. Марказий маъмурий бинонинг баланд бўлишининг боиси бор, албатта. Балиқчилар 300-400 миллик денгиз ичкарисида олисда ов қилишади. Улар ишдан қайтишаётганда посёлкага марказидаги катта бино, унинг қуббасидаги қизил байроқ ҳилпираб, узоқ-узоқлар ва кўриниб турса қандай яхши! Буни кўрган балиқчиларнинг ўз қишлоғи, уйи, хотини, бола-чақалари бирдан эсига тушиб чарчоғи ҳам унут бўлиб кетади. Масаланинг иқтисодий томонига келсак, бундай қурилиш комплекси илгариги лойиҳадагига қараганда 17-20 процент арзонга тушади. Яна спорт зал, медпункт ҳам шу корпусга жойлашади. Қулайлик томонини кўп гапирмай, кичик бир мисол билан изоҳлаш мумкин: Маъмурий марказга иш билан келган ҳар бир колхозчи бундай комплекс бинода беш марта эмас, бир марта пальто ечади, холос. Этигининг лойини қайтақайта артиб у бино-ю, бу бино оралигида катнаб юрмайди, маҳаллий об-ҳаво шароити учун эса бу нарса жуда муҳим...

Гапининг сўнггида Абдулла ака бўлажак бинонинг қисқача кўриниш тасвири ҳақида қуйидагича ҳикоя қилди: «Г» шаклида қуриладиган ягона бино тўрт қаватли бўлади. Узунаси эллик, эни ўн саккиз метр, байроқ тикиладиган қуббанинг баландлиги эса етти қаватли иморатга тенг. Корпусга кираверишдаги ойнаванд пештоқда катта бир балиқни иккита балиқчи ушлаб эллай олмай турган ҳолатдаги тасвири мисга ишланган бўлади. Олд майдонда катта ҳайкалда табиий офатга қарши олишувда ғарқ бўлиб, балиқ овидан қайтолмаган аждодлар хотирасининг тасвири берилади...

Лойиҳанинг уч хил вариантини олиб келганман. Энди, улардан қайбири сизларга маъқул бўлиши ўзларингга ҳавола...

Абдулла ака чаққон юриб, ўрнига келиб ўтирди. Залда бирдан жонланиш, бири иккинчисига гап маъқуллаш бошланди. Ора-сира «Шуқча узоқ жойдан, катта архитектор келибди-я» деган гаплар ҳам қулоқ чалиняпти. Ўзбек меъмори эса хонани зимдан кузатиб ўтиribди. Деворлар, пол сариқ рангда. Хона тор, ўтириш жойлари зич.

Колхоз раиси Бурья ўрнидан турди. У ўтирганларга мурожаат қилиб:

— Мана девордаги лойиҳа эскизларини кўриб турибсиз, Ўртоқ Бобохоновдан булар тўғрисида асосий гапларни эшитдиларинг. Энди ўз фикр ва мулоҳазаларингизни тортинмай чиқиб гапиравергинглар, — деди.

Абдулла ака сўзга чиққанларни диққат билан эшитиш ҳаракатига тушди. Оёқларини алмаштириб, тизасига папкасини қўйиб, бир елкаси баланд, бирини паст қилиб орқага суяниб, ўрнашиб, қимир этмай ўтиribди:

Приморье ўлка капитал қурилиш бошқармасининг вакили **Василий Синисарь:** —Менимча айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, иккинчи вариантни қабул қилса бўлади. Унда меъморнинг идеяси яхши мужассамланган.

Қурувчи-инженер **Владимир Мих:** — Биринчи вариант маъқул. Бирнинчидан қурилишни маҳаллий материаллар асосида амалга ошириш мумкин. Иккинчидан, ишчи чертёжида қурилиш босқичлари навбати билан аниқ белгиланган, режаси мукаммал. Ҳатто баланд қуббаларни ҳам ҳўжалик ҳисобидан пишиқ ғишт билан тиклаш имконияти бор. Бу вариантнинг архитектура ансамбли ҳали ҳозир ҳеч жойда қўлланилмаган.

Балиқчи **Николай Дудко:** — Тўғри биринчи вариант маъқул. Қўрнинши содда, замонавий.

Техник **Зиннур Кудрявцева:** — Биринчи вариант амалга оширилсин. Иккинчиси ҳам яхшику, лекин йирик темир-бетон конструкцияларини топишмиз, кетиришимиз қийин. Ўқитувчи **Алексей Морозов:** — Биринчи вариантнинг қурилиши осон ва кўринниши ҳам чиройли. Шу шаклида қани энди битта мактаб лойиҳаси ҳам бўлганда эди...

Ўртага чиқиб ўз мулоҳазаларини айтган кишилар кўп бўлди. Якунлашга келганда колхоз раиси Г. И. Бурья бундай деди:

— Сўзга чиққан ўртоқларнинг кўпчилиги асосли равишда биринчи вариантни маъқуллашди. Мен ҳам шунга қўшиламан. Бундан ҳурматли меҳмонимиз ҳам хурсанд бўлсалар керак,— деб Абдулла ака томонга бир қараб қўйди яна давом этди. —Иккинчи, учинчи вариантлари ҳам яхши, қулай, чиройли. Лекин қурилиш жиҳатидан уларни бизда амалга ошириш имконияти йўқ. Қурилиш материаллари етишмайдигина эмас, ўртоқ Кудрявцева айтганидек, 3,3 метрли йигма темир-бетонлар бизда йўқ. Шундай қилиб, ўртоқлар, «КПСС XXI съезди» колхозининг марказий маъмурий биноси учун биринчи лойиҳани маъқул деб топдик.

Раисдан кейин Абдулла ака минбарга чиқиб, яна тўлқинланиб гапирди. Ёш ўзбек меъморлари, шогирдлари Ҳамза Убайдуллаев, Йўлчи Абдураҳмоновлар билан ҳамкорликда тузилган лойиҳани яхши тушуниб, қадрига етиб билдирган фикр ва мулоҳазалари учун «Раҳмат!» деди. Колхоз маъмурий маркази учун битта катта бино қурилиши СССРда биринчи марта мазкур колхозда бўлаётганини, ҳатто ўз юрти Ўзбекистонда ҳам бундай бино ҳали қурилмаганини айтди.

Йиғилишдан кейин Абдулла ака тўғри Владивостокка Приморье ўлка бош архитектори ҳузурига ошиқди. Ҳозир у жуда хурсанд эди. Ахир бир неча йиллардан буён орзу қилиб юрган яна бир ниятига етди-да! Уйқусиз тунлар, муваффақиятсизликлар ортда қолди, барисини енгди. Меҳнатлари зое кетмади. У шундай бўлишини биларди, шунинг учун ҳам ниятидан қайтмаганди. Мана бугун унинг ақл-шуури, кўз нури билан тузилган лойиҳа амалга ошадиган бўлди. Тағин қаерда денг, Узоқ Шарқда!

Ўрмон оралаб тор асфальт йўлда қўлмакларни четдаги қовжираб қолган ўт-ўланларга сачратиб «газик» бормоқда. Унда ёш шофёр йигиту, ўзбек меъмори Абдулла ака. Ҳамон ёмғир ёғмоқда. Ҳавонинг авзойи ҳаливери очиладиганга ўхшамайди Ха, бу жойлар шундай, баъзан икки-уч ойлаб қуёш кўринмайди. Абдулла ака Сибирь тайгаларининг чексизлигини ўзбек пахтазорларига қиёсларди. Шу топда лоф этиб, меъморнинг миясига шундай фикр келди. Агар бу лойиҳа бўйича Мирзачўл колхозсовхозларида марказий бино қурилса қандай ўзгаришлар киритарди. Шифтнинг баландлиги уч метр, деворлари қалин, пишиқ ғиштдан бўлгани маъқул! Узун коридорнинг қайрилиш жойларида кичик-кичик фавворалар! Бош корпусга кираверишдаги олд майдонда гулзор, фонтанли ҳовуз ва бобо деҳқонинг икки ёнида механизатор қиз ва йигитнинг тасвири туширилган ҳайкал! Шуларни ўйларкан, бирдан Абдулла акани хомушлик ўз домига тортгандай бўлди.

ЎзССР «Госстрой»и томонидан 1968 йилда берилган буюртмани институтнинг архитектура факультети илмий-текшириш ва лойиҳадаш устахонаси 1969 йилда ишлаб чиққан эди. Лекин негадир бизда бу иш билан тегишли ташкилотлар ҳанузгача қизиқишмаяпти...

Энди узоқ Гайдамак бухтасидаги балиқчилар ўзбек меъморининг бу ишидан қандай хабар топишгани газетхонларни albатта қизиқтирса керак.

Абдулла Бобохонов бошчилигида «Колхоз қишлоқларининг маъмурий маркази» учун ишланган лойиҳа ҳақида «Строительная газета»да мақола босилган эди. Шундан кейин ўзбек меъмори номига қуйидаги хат келди:

«Тошкент Политехника институти, архитектура факультетининг кафедра мудири, профессор Абдулла Бобохоновга!

Приморье ўлкасидаги «Рыбколхозсоюз»га 8 та колхоз, учта кема-ремонт корхонаси бирлашган. Бизда ҳамма посёлкаларни қуриш учун лойиҳалар мавжуд, лекин типли лойиҳаларни танлаш қийин : бўлянти Чунки уларнинг гури ва сифати эса бизнинг шароит талабларига жавоб бермайди. Газетада чиққан мақолангизни ўқиб, худди йўқотган нарсамни топгандай бўлдим. Икки ва тўрт минг аҳоли яшайдиган посёлкаларга мўлжаллаб тузилган лойиҳангизни бизга юборсангиз, илтимос билан:

Л. Подвальний, Приморье «Рыбколхозсоюз» капитал қурилиш бўлимининг бошлиғи.
2 июнь. 1969 йил».

Бу хатни олгандан кейин Абдулла ака Узоқ Шарққа бориб, жойнинг табиий шароити, табиий географияси билан танишди. Бўлажак биноларни қуриладиган жойларни ўз қўли билан кўриб келди. Чунки лойиҳа уйнинг тузилишини чизиб қўйишгина деган гап эмас-да. Замонавий бино лойиҳасида сув йўли, каналлаштириш, иситиш, вентиляция, электр, алоқа, сантехника, жой иқлими, маҳаллий қурилиш материаллари, ҳамма-ҳаммасини билиш, ҳисобга олиш керак. Ҳа, меъмор неча-кундуз мэкет тепасида оқшомни тонгга улаб бино қуришни ўйлайди. Бино бўлганда ҳам халққа ёқадиганини. Бунинг учун у математикадан, физикадан, рассомликдан хабардор одам, эстетик диди зўр инсон бўлмоғи керак.

Иван Ефимович Саркисов журналдаги суратга тикилганича танг қолди. Унча каттамас, бироқ шарқона қурилган музей биноси. Унинг айлана зиналарида юлдузлар тасвири. Томидаги қубба олис осмондаги юлдузларга ғўё ракетадек интилган. Бу фан оламининг ёрқин юлдузи, ўзбекларнинг улуғ фарзанди мунажжим Улуғбекка 1964 йилда қурилган мемориал музей... Иван Ефимовични иккинчи сурат ҳам ўзига сеҳрлаб қўйди: юксак тоғлар этагидаги мақбарага пастдан чиқиб бориладиган зиналар янада улуғворлик касб этади. Арк ичига тушган қуёш нурлари нақшларни ёрқин кўрсатиб турибди. Сурат шундай усталик билан олинганки, қабр устидаги безувларни ҳам бемалол ўқиса бўлади: «Биринчи ўзбек совет шоири, драматурги, композитор ва таниқли арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889 — 1929 й). Учинчи суратда биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов номли кинотеатрнинг муҳташам биноси. Яна Душанба шаҳридаги Лоҳутий номли драма театри, Бекободдаги металлургларнинг маданият саройи, Чирчиқдаги Алишер Навоий номидаги кинотеатр, Самарқанддаги «Юлдуз» ресторани, Каттақўрғон сув омборининг лойиҳаси, 1947 йилда Тошкентдаги Қизил майдон реконструкцияси бўйича ўтказилган лойиҳалар конкурсида биринчи мукофотни олган макет суратлари. «Кекса архитектор» қувончдан ўрнидан туриб кетди. Ахир яқин ўтди Абдулла Бобохонов эканини ўқиб, боши осмонга етди-да...

Шу пайт эшик очилиб, хонага Абдулла ака кирди. Саркисов ҳайрон, ўз кўзларига ишонмасди.

— Не, манави учрашувни қаранг-а, — деганича Абдулла акани бағрига босди: «Хизмати йўқласанг ҳозир бўлади», деган гапни ўзбеклар бежиз айтмаган, қойилман! Стол устидаги «Архитектура СССР» журналини олиб кўрсатди. — Сенинг тўғрингда чиқган мақолани ўқиб, қурган биноларингнинг суратларини кўриб, сени ўйлаб ўтиргандим. Қара-я, қандай шамол учирди. — деди.

Абдулла ака бўёқларга иш билан келганини, бугун колхозда бўлган воқеани айтди. Кейин дўстлар Москва архитектура институти аспирантурасида ўқиган вақтларини эслашиб хўп кулиб ўтиришди. Саркисов Абдулла ака ўша йигитлик чоғларида пьесада ўйнаган ролида айтган бир монологини эслатиб, ўрнидан туриб, айта бошлади:

«Инсон бўлиб дунёга келдингми, ёниб яша! Тирикчиликдан на фойда. Қайси соҳа кишиси бўлма, ўша соҳани шундай ушлаки, кейин сендан ҳаётда из қолсин. Аксинча дунёга келиб, яшаб ўтиб кетишнинг нима қизиғи бор.

Шундай яшагинки, ташвиш, кураш, изланиш, янгилик доимо сенга ҳамдам бўлсин. Бир дақиқа ҳам ишсиз, ўйсиз, ҳаёлсиз бўш қолма. Ўз куч, қобилиятингга, мустақил фикр ва иродангга ишонч билан яшагин. Ана шунда умр бекатининг охирги зинапояларига яқинлашиб қолганингда ўзингдан-ўзинг қилган ишларингдан мамнун бўлиб, юзингга сўнгги табассум қўнади». — Саркисов дўстининг елкасига қўлини қўйиб, унинг кўзларига тикилиб туриб:

— Дўстим сен ҳудди шундай яшадинг! — деди.

— Ундай дема, ҳали биз кўп бинолар қурилишимиз керак, — гапни ҳазилга бурди Абдулла ака.

Қариялар Улуғ Ватан урушида Орлов-Курск дугаси жангларида тортишган мусиқатларини, 1970 йилда Бутуниттифоқ архитекторлар съезди вақтидаги бахтиёр онларни эслашиб анча гаплашиб ўтиришдилар.

Саркисов: — Сен қурган объектлар тўқсонтага етибди-я, — деди мамнун жилмайиб Абдулла ака оҳиста ўрнидан туриб, дўстининг елкасига қўлини қўйди. — Тўқсон биринчи Гайдамак бухтасида бўлади, энди мен борай.

Абдулла ака чаққон юриб, чиқиб кетгандан кейин ҳам Саркисов дўстига ҳаваси келиб анча вақтгача унинг тўғрисида ўйлаб ўтирди,

Келажак авлодга бирор арзигулик ёдгорлик, ижодий мерос қолдириш бахтига муяссар бўлиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Шу нарса Абдулла Бобохоновнинг қўлидан келибди. Улуғбек, Ҳамза, Собир Раҳимовлар хотирасига меъморчилик соҳасида ҳайкал қўйди. Миллий архитектура тарихига, бугунига доир монографиялар ёзди. республикамизнинг биринчи СССР Халқ архитектори!

Бекмирза МАҲМУДОВ.

Урганч ёғ заводи лаборанти Тамара Красикова маҳсулотларнинг доимо юқори сифатли бўлиши учун курашади. Суратда: ўртоқ Т. Красикова мой сифатини кўздан кечирмоқда.

Ш. Раҳимов фотоси.

СТУДЕНТЛАР МЕҲМОНИ

Сирдарё педагогика институтида студентлар Улуғ Ватан уруши ветеранлари билан учрашдилар. В. Ф. Яценко, Н. Ю. Ҳайдаров, У. Х. Хўжаев ва бошқалар ёшларнинг ҳузурига меҳмон бўлиб келишди. Улар кўрсатган қаҳрамонликлари учун ҳукуматнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган кишилардир. Ветеранлар йигит-қизларга Улуғ Ватан уруши йилларида совет солдатлари кўрсатган қаҳрамонлик тўғрисида гапириб бердилар.

Институт партия ва комсомол ташкилоти студентларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида катта иш қилмоқда. Бу ерда фронтовик ветеранлар билан учрашувдан ташқари отиш, турган жойни аниқлаш, мотоцикл спорти юзасидан спорт мусобақалари тез-тез ўтказиб турилади. Институтдаги тўгаракда студентлар автомобиль, мотороллер ва мотоцикл юргизишни ўрганадилар. (ЎзТАГ).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«ЭҲТИЁЖ ВА ТАЛАБ»

Газетанинг ўтган йил 24 декабрь сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган танқидий мақолада Хоразм области меҳнаткашларига маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволи талабга жавоб бермаслиги, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари сони камлиги ва улар аҳолининг эҳтиёжини қондиролмаётгани кўрсатилган эди.

Хоразм область ижроия комитети маиший хизмат кўрсатиш бошқармасидан олинган жавобда айтилишича, мақолада келтирилган фактлар тасдиқланган, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги мавжуд нуқсонлар тўғри танқид қилинган. Ана шу камчиликларни бартараф қилиш, область меҳнаткашларига, айниқса қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, устахоналар, қабул пунктлари сонини кўпайтириш, кўрсатилаётган хизматнинг турини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш юзасидан амалий тадбирлар белгиланган.

ҲУНАРДАН—УНАР

ИШЧИ СИНФИНИНГ ЁШ АВЛОДИ

Билим юртимиз фақат Наманган областидагина эмас, ҳатто республикамизда энг кекса ҳунар-техника даргоҳларидан бири ҳисобланади. Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлиги туфайли билим юртимизнинг ўқув-моддий базаси мустаҳкамланиб борянти. таълим-тарбия ишлари сифати кўтариляпти. Ўқитувчилар коллективи ва ишлаб чиқариш таълими бўйича мутахассислар сафи билимли, юксак малакали кадрлар ҳисобига мустаҳкамланмоқда.

Бундан ўттиз беш йил илгари фабрика ва заводлар учун малакали ишчилар тайёрлаб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган билим юртимиз остонасига атиги 100 ўқувчи қадам қўйган эди. Шу тариқа — 1954 йилгача машинистлик, дизелчилик, темирчилик ва пайвандчилик каби ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрланиб келинди.

Ўтган йиллар ичида республикамизнинг ҳамма ерида бўлганидек, областимизда ҳам халқ хўжалиги юксалди. Айниқса, қурилиш ишларининг ҳажми тез суръатлар билан ортиб борди. Бу эса ўз-ўзидан қурувчи кадрларга бўлган эҳтиёжни кучайтириб юборди. Эндиликда билим даргоҳимизга ўқишга кирган ёшлар электр пайвандчилик, бўёқчи-безакчилик, ғишт терувчилик, сувоқчилик, мебель дурадгорлиги, арматурачи-бетончилик, темирчилик касбини эгаллаб чиқмоқдалар.

Ўтган давр билим юртимиз учун қанчалик ўсиш-улғайиш йиллари бўлганлигини қуйидаги фактлардан ҳам кўриш мумкин. Ўқувчиларнинг ўртача контингенти 1940 йилдагига қараганда деярли беш баравар ўсди ёки 530 кишига қўпайди. Фақат шу йилнинг ўзидагина 360 ёш ўқишга қабул қилинди. Ўқувчиларнинг сифат состави ҳам яхшиланиб бораётир. Аввалги йилларда билим юртимизга қабул қилинаётган йигит-қизларнинг маълумотига деярли аҳамият берилмас эди. Етти йилликни битирмаганлар ҳам қабул қилина бериларди. Эндиликда ўрта ёки саккиз йиллик маълумоти бўлганлар гина ўқишга тортилаётир. Масалан, бу йил билим юртимизга қабул қилинганлардан 121 киши ўрта маълумотга эга.

Бўлажак мутахассислар назарий билимни амалиётда мустаҳкамлаб борянтилар, мавжуд еттита устахона ёшлар хизматида. Уларда оддий қўл асбобларидан тортиб, энг янги қурилиш механизмларигача бор. Талабаларимиз бу ерда бинокорликда зарур бўлган барча ишларни ишидан-игнасигача ўрганиб чиқишянти. Учинчи синфни тамомлаб, ўқув юртимизга келганлар 1,5 ойлик, саккиз йиллик маълумотга эга бўлганлар эса 10 ойлик ишлаб чиқариш практикасини область қурилиш ташкилотларида ўтказадилар.

Билим юрти партия ва комсомол ташкилотлари талабаларни меҳнатсевар, юксак ахлоқли ва одоб эгаси, маданиятли, ватанпарвар, партия ва халқ иши учун жонкуяр, чуқур билимли, хуллас, замонамизнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялаш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

План асосида қизиқарли кечалар ва учрашувлар ўтказиб турилибди. Шу йилнинг ўтган ойлари давомида билим юртимизнинг собиқ талабаси, ҳозирда 10-қурилиш трестининг комплекс бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Воҳидов, Ленин орденли бинокор Манёс Илёсов, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Абдусаттор Раҳимов ўртоқлар билан ўтказилган учрашув-кечалар ўқувчиларимизда катта таассурот қолдирди.

Янги беш йилликда билим юртимизнинг моддий-техника базаси янада кенгаяди, ўқувчилар контингенти тағин ҳам ортади. Ўтган беш йилликда 1800 ёш билим юртимизда ўқиган бўлса, 1975 йилга қадар 2600 йигит-қизга қурувчилик касби ўргатилади. Шу беш йиллик давомида 520 ўқувчининг билим олиши мўлжалланган замонавий типдаги уч қаватли ўқув корпуси, ётоқхона, устахона бинолари, стадион, спорт зали, спорт майдончаси қурилиши режалаштирилган.

Ўрни келганидан фойдаланиб, ўқув юртимиз билан боғлиқ бўлган баъзи муаммолар хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз. Ўқув корпусимиз учун мўлжалланган бинонинг қурилиши негадир кечиктириб юборилянти. Иккинчи масалага келганда, кўпинча бизга ўқув юртингизни тамомлаётган кадрларнинг талай қисми ўрганиб чиққан ҳунарлари қолиб, бошқа соҳага ўтиб кетишянти деб, таъна қилишади. Бу гапларда қисман бўлса-да жон бор. Негаки, ўқувчиларимизнинг аксарияти қишлоқ ёшлари. Улар ўқишни битиришгач, маълум пайтгача шаҳардаги қурилиш ташкилотларида ишлайдилар. Сўнгра ўзларининг қишлоқларига кетиб қоладилар. Албатта, бу биз учун ноқулай. Лекин ҳамма «касал» шундаки, шаҳардан ўқишга ёшлар жуда оз миқдорда келишади. Тўғри, кейинги вақтда биз бир катор қатъий чоралар белгиладик. Шаҳардаги мактабларнинг коллективлари ва ўқувчилари билан алоқани мустаҳкамлаяпмиз. Шаҳарлик ёшларни билим юртимизга кўпроқ тортишга ҳаракат қиляпмиз. Шу йилнинг ўзида шаҳардан 100 дан ортиқ ўқувчи қабул қилинди. Барибир, бу кўрсаткич мўлжалдагидан оз.

Билим юртимиз педагогик коллективи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг яқинда қабул қилган ҳунар-техника таълими системаси ишини янада яхшилаш ҳақидаги қарорини ҳаётга татбиқ эта бориб, ишчи синфининг ёш авлодини тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшаверади.

А. ОТАБОЕВ,
Наманган шаҳридаги 23-ҳунар-техника билим юртининг директори.
А. МАҲМУДОВ,
билим юрти партком секретари.

Рационализаторлар ютуғи

Тошкент трикотаж фирмасининг аҳил коллективи ўтган йилги планни ошириб адо этди, Маҳсулот таннархини камайтиришнинг ўзидан 56 минг сўмга яқин маблағ тежаб қолинди. Планга қўшимча қирқ минг сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Планни ошириб бажаришда айниқса, фирма рационализаторларининг ҳиссаси катта бўлди. Янги беш йиллликнинг биринчи йилида рационализаторлик бюросига 63 та таклиф тушди. Ана шу таклифлардан 50 дан ортиғи ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу фирмага йилига 65 минг сўм фойда келтиради. Ишчилардан А. Шообидов, Г. Власов, Ҳ. Исматуллаев ва В. Репейков ўртоқлар тўқув машиналарини такомиллаштириш йўлини ўйлаб топдилар. Фақат ана шу тадбирнинг амалга оширилиши туфайли йилига 18 минг сўм фойда кўриладиган бўлди.

Илгари аёллар жемпири ва болалар костюмлари тикиляганда 3 сантиметр жой очиқ қолиб кетарди. Тикувчилар бу очиқ қолган жойни қўлда тикардилар. Тикув цехининг мастер ёрдамчиси, Қ. Хожиакбаровнинг таклифи билан бунга барҳам берилди. Шу туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш 15 процент кўпайди, фирма эса бу таклифдан 5.300 сўм фойда кўрди.

А. ФОЗИЛОВ.

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР МАКТАБИ

ПАХТА, БЕДА, ЧОРВА

КАЛИНИН НОМЛИ КОЛХОЗДА ПАХТА-БЕДА АЛМАШЛАБ ЭКИШНИНГ САМАРАСИ

ПАХТА хўжалигимизнинг асосий тармоғи. Илгари пахта майдони умумий суғориладиган ерларнинг қарийб 88 процентини ташкил этарди. Беда, маккажўхори, сабзавот экинлари оз эди. Бунинг устига улар тарқоқ, майда карталардан иборат эди. Парвариш кўнгилдагидек бўлмагачлигидан ем-хашак етарли миқдорда жамғарилмас, чорванинг аҳволи оғир эди.

Бу ҳол бизни жиддий ташвишлантирди. Партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳақидаги қарорларини амалга ошириш борасида бир қанча тадбирлар белгиланди. Хўжаликни интенсив тарзда бошқариш, пахтачилик билан бирга бошқа тармоқларни, энг аввало, чорвачиликни ривожлантириш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўра бошладик. Дастлабки пайтларда экинлар ўрнини алмаштиришга катта эътибор бердик. Бу тадбирлар биринчи йиллари тўла равишда, аниқ тартибга киритилмаган бўлса ҳам, лекин чигит кўпинча бошқа экинлардан кейин ва янги ерларга экиладиган бўлди. Орадан уч-тўрт йил ўтгач, яъни саккизинчи беш йилликнинг биринчи йилида колхозда пахта ҳосилдорлиги анча кўтарилди.

ПАХТА

Йиллар	1966	1967	1968	1969	1970	1971
Гектар	1645	1645	1665	1752	1850	1802
Ҳосил-центнер	26,4	27,3	24,9	27,2	30,6	32,6

Келтирилган диаграммадан кўриниб турибдики, ўтган беш йилликнинг бир йилида, яъни 1968 йилда пахта ҳосили камайган. Бошқа йиллари ҳосилдорлик муттасил ошиб борган. Пахта етиштириш 1963 йилга нисбатан гектар бошига 1970 йилда 13,7 центнер, беш йилликнинг биринчи йилига қараганда эса янада ошган. Бунда экинлар ўрнини алмаштириш катта роль ўйнади. Шу билан ердан фойдаланишни такомиллаштириш, тупроқ унумдорлигини ошириш юзасидан комплекс тадбирлар ҳам қўл келди. Маҳаллий ўғитлардан табақалаб фойдаланиш усули кенг қўлланилди. Минерал ўғитларни органик ўғитлар билан бирга қўллаш, запас суғориш, қатор ораларини юмшатиш ва суғоришни группа усулида олиб боришга катта аҳамият берилди. Алмашлаб экишни жорий этиш ҳисобига вилт касаллиги кескин равишда камайди ,ҳосилдорлик ошди. Ўтган йили янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига пахта майдони кенгайтирилиши билан ҳосил янада кўтарилди. Ялпи пахта етиштириш бир неча юз тонна кўпайди.

Тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йили янада муваффақиятли якунланди. Колхоздаги 13 пахтачилик бригадасининг ҳаммаси йиллик пахта тайёрлаш планини ва социалистик мажбуриятини тўла ҳамда ошиғи билан бажарди. Ўттиз центнердан кам ҳосил олган битта ҳам бригада қолмади. Қубай Жиянов бошлиқ бригада аъзолари ҳар гектаридан 26 ўрнига 40 центнердан пахта етиштирдилар. Эргаш Жўраев, Суннат Рўзиев, Мардонқул Қандаров ўртоқлар бошлиқ звенолар гектаридан 40-50 центнердан хирмон кўтардилар. Тожи Тангриев, Тошботир Ўроқов раҳбарлик қилаётган бригадаларнинг ғўзалари вилтдан қаттиқ зарарланар ва уларда ҳосилдорлик пасайиб кетган эди. Кейинги икки-уч йил ичида ана шу бригадаларимиз ерлари беда ва маккажўхори экинлари билан алмашинди. Шунингдек, К. Жиянов бошлиқ 1-бригаданинг 200 гектар экинзоридан 50 проценти беда билан алмаштирилди. Натижада буларда вилт йўқолди, ҳосилдорлик ошди.

Яна юқоридаги диаграммадан маълумки, колхозимизда пахта майдони ўтган беш йилликда унча кенгайтирилмаган. Алмашлаб экишга биринчи қадам қўйилган йили — 1968 йилда аксинча камайган. 1971 йилда ҳам худди шундай бўлган. Лекин ҳосилдорликни ошириш ҳисобига ялпи пахта етиштириш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Масалан, 1966 йилдаги 4335 тонна ундан кейинги йилда 4500 тоннага, 1969 йилда 4760 тоннага, 1970 йилда 5610 тоннага, янги беш йилликнинг биринчи йили — 1971 йилда 5870 тоннага етказилган. Ўтган беш йилликда давлат пахта тайёрлаш плани кўзда тутилганидан анча ошириб бажарилган ёки 3775 тонна кўп пахта сотилган.

БЕДА. Алмашлаб экишнинг асосан 3:7 схемаси қўлланилган. Бунда уч дала уч йил муддатда турадиган беда ва 7 дала пахта етиштириладиган майдонни ташкил этган. Экишнинг ҳар бир ротацияси давомида бригадаларнинг доимий ишлашларини таъминлаш ва бу даврда қишлоқ хўжалик экинларини тўғри жойлаштириш мақсадида ҳар бир далачилик бригадасига, битта алмашлаб экиш системаси жойлаштирилган. Ҳар бир бригадага бириктиладиган ер майдони ўрта ҳисобда 200 гектардан тўғри келади. Бунинг 75 процентдан кўпроғи пахта майдони бўлса, қолгани бедазордир.

Деҳқончилик қиладиган ерларимиз асосан сариқ тупроқли, унинг таркибида оз-моз қум бор. Бир неча юз гектари Зарафшон дарёси қирғоқларида бўлиб, ер ости сувлари яқин. Бундай ерларни беда ва маккажўхори экинлари билан алмаштириб, унинг ҳосилдорлигини ошириш талаб қилинади. Беда ерни донадор қилади, сув сингдириш қобилиятини яхшилайди. Яна кўп вақт пахта экилиб келинган ер дам олади, кучланади, ўзида азот моддасини оширади. Хўжалигимизда алмашлаб экиш жорий этила бошланганига энди тўрт йил бўлди. Яна етти-саккиз йил давомида бутун пахта етиштириладиган ерларимиз бир марта бошқа экинлар билан, шу жумладан беда билан тўла алмашади.

БЕДА

Йиллар	1966	1967	1968	1969	1970	1971
Гектар	151	190	202	278	330	428
Ўриб олинди — центнер	65	73,4	108,5	131,7	151,1	152,3

Саккизинчи беш йилликда янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига беда майдони икки баравардан зиёдроқ кенгайтирилди. Беш йилликнинг якунловчи йили ҳисобланган 1970 йилда 330 гектар эски яъни кўп йиллик беданинг ҳар гектаридан 151 центнердан ошириб ҳосил олинди. 64 гектар бир йиллик бедазордан ҳам яхши ҳосил йиғиштирилди. Шундай қилиб, эски ва янги беданинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 140 центнердан ҳосил олинди. Янги беш йилликнинг биринчи йилида ҳам шундай кўрсаткичларга эришдик.

Қандай қилиб бедадан шундай ҳосил оляпмиз? Биринчидан, пахта-беда алмашлаб экиш жорий этила бошлагач, бедачиликдаги тарқоқлик тугатилди, беда майда-майда пайкаллардан йирик майдонларга кўчирилди. Бошқача қилиб айтганда, бедазорлар алмашлаб экиш схемаси бўйича катта карталарга ўтказилди. Иккинчидан бедапояларни агротехника талаблари асосида парвариш қилишга алоҳида эътибор берилди. Эски бедапоялар эрта кўкламда сифатли бороналаниб, фосфор билан озиклантирилди. Бороналаш билан бирга ҳар гектарига 300 килограммдан ўғит солинди. Биринчи ўрим олдидан бедазорлар қондириб суғорилди. Ундан кейинги ҳар бир ўрим орасида икки марта суғориб борилди. Беда учун махсус бригада ташкил этилиб, унга ишчи кучи, техника воситалари, транспорт ажратиб берилди.

Колхозимизнинг алмашлаб экишни жорий этиш асосида маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, экономикани мустаҳкамлаш юзасидан белгиланган тадбирларга кўра беда майдони тобора кенгайтирилади. Алмашлаб экиш тўла жорий этилганда бир йиллик беда 113 гектарга, кўп йиллик беда эса 200 гектарга етказилганди. 1971 йили эса 208 гектар янги ерга беда экилиб шунча эски бедазорга чигит экилди. Бундан кейин ҳам йилига 250 гектар ерга янги беда экилиб ва шунча ердаги эски беда бузилиб, ўрнига чигит экилаверади. Бу тадбир пахта ҳосилдорлигини ошириш, жамоат чорвачилигини янада ривожлантириш унинг маҳсулдорлигини кўтаришда муҳим ўрин тутади.

ЧОРВА. Илгарилари беда ва маккажўхори экинларидан кам ҳосил олинар, хашак ва силос жамғариш плани бажарилмасдан қолар эди. Алмашлаб экиш жорий этилгач, бунга қатъий чек қўйилди. Чорвачиликда сўнгги йиллардаги кўрсаткичлар буни равшан кўрсатиб турибди. Чунончи, 1966 йилга нисбатан беда хашаги икки баравардан зиёдроқ ортди, силос босиш уч ҳисса кўпайди. Ўтган 1971 йилда ёзда қорамолларга ўриб бериб едирилганидан ташқари 2600 тонна беда пичани ғарамланди. 800 тонна сенаж тайёрланди. Ҳар гектар ердан 439 центнердан маккажўхори пояси йиғиштириб олиниб, 2680 тонна ўрнига 4370 тонна силос босилди.

Ҳозир фермамиздаги туёқ сони 1681 бошга етди, шундан 355 боши сигир ҳисобланади. Мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтирилгач, гўшт ва сут етиштириш ҳам анча кўпайди. Сигирлар сони кўпайтирилиб, ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут кейинги бир йил ичида 467 килограмм оширилди. Зотдор сигирлардан соғиб олинган сут 3000 килограммни ташкил этди. 1969 йилда ҳар бош сигирдан колхоз бўйича ўрта ҳисобда 1200 килограммдан сут соғиб олинган бўлса, бултур бу рақам 1862 килограммга етказилди. Йиллик сут ва гўшт сотиш планлари ошиғи билан адо этилди. Давлат сут тайёрлаш плани 140 процент бажарилди. Ҳар бир гўштга топширилган молнинг тирик вазни ўтган йилга қараганда 65 килограмм оширилди. Чорвачилигимиз рентабелликка айланди.

Алмашлаб экиш асосида беда майдони кенгайтирилиб, беда пичани йилдан-йил кўпайиб боряпти, силос босиш ҳам ошяпти. Демак, мавжуд чорва сонига қараганда емхашак ортяпти. Биз ўтган йили чорвамиздан ортган кўп миқдордаги хашакни колхозчиларга бўлиб бердик. 600 тонна беда пичани ва силосни қўшни колхозларга сотдик. Ҳозир силосхоналар ва пичан ғарамларимизда талай ортиқча хашак бор. Келгуси йилларда мол туёғини янада кўпайтирамиз.

* * *

Алмашлаб экиш системаси қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ҳамда чорва маҳсулотларини ошириш имконини бераётганлигини кўриб турибмиз. Шу асосда колхознинг умумий даромади, колхозчилар иш кунининг қиймати ошяпти. 1966 йилда умумий даромад 1978 минг сўмни, ҳар иш кунининг қиймати уч сўмни ташкил этган эди. 1969 йилда умумий даромадимиз 2514 минг сўмни ташкил этди. Ҳар иш кунининг қиймати бултур 4 сўм-у 59 тийинга кўтарилди. 1971 йилги умумий даромад эса 3 миллион 554 минг сўм бўлди. Шу ҳисобдан пахтачиликдан келган даромад 3 миллион сўмдан кўпроқни ташкил этди.

Колхоз ички-хўжалик ер тузилиши лойиҳасига эга. Шу лойиҳага кўра, 380 гектар янги ер ўзлаштириш кўзда тутилган. Бунинг 80 гектари хўжалик ичидаги ўзлаштирилмаган ерлар, қолгани лалмикор ҳисобланади. Лалмикор ерлар насос орқали сув чиқариш йўли билан ўзлаштирилади. Ана шундан бултур 120 гектари ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. Колхозимиз аъзолари беш йилликнинг иккинчи йилида гектаридан 35 центнердан пахта етиштиришга аҳд қилиб кўкламга тайёргарлик ишларини кучайтирмоқдалар.

Р. МАҲМАНОВ,
Самарқанд область Нарпай районидаги Калинин номли колхоз раиси.
А. РЎЗИЕВ,
партия комитетининг секретари.
Б. ҚИЛИЧЕВ,
бош агроном.
К. ЮСУПОВ,
бош зоотехник.

Тошкентдаги трактор-йиғув заводида турли миллат вакиллари аҳил меҳнат қилишмоқда. Суратда 10-цехнинг пешқадам ишчиларидан М. Мусина, А. Бозоров, С. Корнеев ва С. Довутов ўртоқларни кўриб турибсиз.

И. Глауберзон фотоси.

ҚИШЛОВ НАМУНАЛИ ЎТМОҚДА

Фориш районидаги Ленин номли совхозга хушхабар келди. Бош чўпон Жониқул Бобомуродов қўйчиликни ривожлантиришдаги муваффақиятлари учун учинчи марта СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг кичик олтин медали билан мукофотланди.

Ж. Бобомуродов Қизилқум чўлида йигирма йилдан бери Қоракўл қўйларни боқиш билан шуғулланади. У йил сайин яхши муваффақиятга эришмоқда. Масалан, ўтган йили ҳар юз совлиқдан бир юз олтмиш бешта қўзи олди.

Чўпон чорвани қишда боқишнинг уста ташкилотчиси сифатида шуҳрат қозонган. Бу йилги қиш жуда совуқ келишига қарамай унинг отаридаги қўйларнинг биронтаси ҳам нобуд бўлгани йўқ. Энг аёзли кунларда Жониқул қўйларга суткасига икки марта ем беради, нимжонроқ қўйларни алоҳида парваришлайди. **(ЎзТАГ).**

ДЎСТЛАР ДИЙДОРИ

Қора денгиздаги кемалардан бирига «Ўзбекистон» номи берилган. Республикамиз номи билан аталган ана шу кеманинг капитани Евгений Константинович Балашов ва капитаннинг биринчи ёрдамчиси Алексей Иванович Халюков бир неча кун Тошкентда меҳмон бўлишди.

Маълумки, «Ўзбекистон» теплоходини «Совет Ўзбекистони» газетаси билан «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозлари оталиққа олишган. Денгизчилар «Совет Ўзбекистони» газетаси журналистлари билан қизғин суҳбатдан сўнг совхоз ишчилари ҳузурига йўл олишди. Ҳурматли меҳмонлар йўл-йўлакай Янгийўл шаҳридаги 1, 10-мактаб ўқувчилари билан учрашдилар. Бу мактабларнинг ўқувчилари тўрт йилдан буён Қора денгиздаги «Ўзбекистон» билан хат ёзишиб келадилар. Меҳмонларни 10-мактаб директори П. А. Орлов, кекса ўқитувчи Е. В. Скоробогатова, 10-«Б» синф ўқувчиси, мактаб комсомол ташкилотининг секретари Наташа Степанова, шаҳар партия комитети ва ижроия комитетининг вакиллари ҳамда пионерлар самимий кутлашди. Мактаб дружина совети денгизчиларни фахрий пионерликка қабул қилишиб, Е. К. Балашов ва А. И. Халюков ўртоқларнинг бўйнига қизил галстуклар тақилди.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида меҳмонларни ғоят илиқ қарши олдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, совхоз партия комитетининг секретари Ҳалима Ғафурова, бош агроном Василий Петрович Бакулин, бош инженер Жўра Ҳайдаров уларни қизғин кутлашди. Бу ерда денгизчилар чинакам ўзбек йигитларига ўхшаб қолишди. Ҳалима Ғафурова меҳмонларга бекасам тўн ва чуст дўппи кийгизиб, шоҳи белбоғ боғлади. Кема капитани Е. К. Балашов «Ўзбекистон» теплоходининг иши ва режалари ҳақида оталиққа олган хўжалик раҳбарларига ўзига хос ҳисоб берди.

Совхоз партия ташкилотининг секретари Ҳ. Ғафурова денгизчиларга совхоз коллективининг тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида қўлга киритган улкан ютуқлари ва келажак режалари ҳақида мароқли ҳикоя қилиб берди. Ҳақиқатан ҳам республиканинг кенг тармоқли йирик хўжаликларидан бири бўлган «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози пахтачилик ва чорвачиликни механизациялаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини арзонлаштиришда ажойиб кўрсаткичларга эришиб чинакам тажриба-намуна хўжалигига айланди. Денгизчилар ва совхоз мутахассислари «Навбатдаги учрашув Қора денгизда — «Ўзбекистон» теплоходида!» деб ҳайрлашдилар.

Ш. УБАЙДУЛЛАЕВ.

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИДА

ЎРМОНЛАР КЎПАЯДИ

◆ АШХОБОД. Республика ўрмончилик хўжалигининг экспедицияси яқинда Қорақум ва Қизилқум саҳроларидан қайтиб келди. Экспедиция аъзолари бу ерларда саксовул, черкез ва қандим уруғларини йиғиш билан шуғулландилар. 440 тонна уруғ ва кўчатлар тўпланди.

Кунлар исиб, қорлар эрий бошлаши билан ўрмончилар экишга киришадилар. 56 минг гектар ерга кўчат ўтказилади. Улар барханларни мустаҳкамлайди, яйловларда ўтларнинг яхши ўсишига ёрдам беради.

Ерлар экишга тўла тайёрланди, техника эса шай қилиб қўйилди.

РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ

◆ ДУШАНБА. Республиканинг йирик қишлоқ хўжалик зоналаридан бўлган — Ҳисор водийсининг марказида автомашиналарга техник хизмат кўрсатувчи биринчи қишлоқ станцияси қурилиши ниҳоясига етказилди. Станция ҳар йили «ЗИЛ» ва «ГАЗ» маркасидаги автомашиналардан 400 тасини ремонт қилиб беришга мўлжалланган. Беш йилликнинг охирига бориб республикада ана шундай станциялардан яна ўнтаси очилади. Улар ҳар йили колхоз ва совхозларнинг 5600 дан ортиқ юк машиналарини ремонт қилиб бериш қувватига эга бўлади.

ШОИРНИНГ ЖОНЛИ СЎЗИ

◆ ВИЛЬНЮС. Литва жамоатчилиги Улуғ Ватан уруши йилларининг дастлабки кунларида фашист жаллодлар қўлида ҳалок бўлган пролетар шоир Витаутас Монтвила таваллудининг 70 йиллигини нишонлади. Шоир номи билан аталувчи колхозда адибга бағишланиб кеча ўтказилди.

Монтвиланинг поэзияси халқ орасида яшамоқда. Унинг асарлари рус ва совет халқларининг бошқа тилларида ҳам нашр этилган, шоирнинг асарлари кўп миллатли маданиятимиз хазинасига дурдона бўлиб қўшилди.

МЕТАЛЛУРГЛАР ҲАМКОРЛИГИ

◆ ДОНЕЦК. Румин металлурглари Макеев металлургларининг буюртмасини муддатидан илгари бажардилар. Мартен цехининг қуйиш пролетидаги катта майдон янгиланди. У Бокш шаҳри заводларида тайёрланган металл конструкцияси билан жиҳозланди. Руминиядан 250 тоннадан ортиқ пўлат устунлар, балка, рамлардан иборат иккинчи «посилка» олинди, у учинчи мартен печини модернизация қилишда ишлатилади. Макеев заводи ҳам ўз навбатида Руминияга маҳсулотлар етказиб бераётир. Фақат январь ойининг ичида бу мамлакатга 15 минг тонна қайта ишланган чўян ва ўнларча минг тонна сортли прокат жўнатилди.

АЖАБ САВДОЛАР

ҚОРОВУЛНИНГ КЎЗИ ЙЎЛДА

Воқеа 1967 йил ноябрь ойида юз берди. 4 гектарли шафтолизорда қурувчилар ва шифокорлар ғуж-ғон бўлиб кетди.

Қурувчилар орқасида машиналар қатор-қатор. Уларга белкурак, кетмон, тахта, ёғоч, ғишт, цемент ва бошқа материаллар ортилган. Шифокорлар қўлида эса 840 минг сўм пул, лойиҳа-смета ҳужжатлари. Район сил касалликлари диспансерини бунёд қилиш тўғрисида ана шундай тантанали битим тузилди.

— Ишчи кучи ва техникани кўриб турибсиз. Олтин бошим омон бўлса айтган буюртмангиз уч йилда бажо бўлади, — кўкрак кериб сўз берди қурувчилар сардори Н. Исматуллаев.

— Қойил, бу асл йигитнинг гапи, — хурсанд бўлган ҳакимлар ҳокими кулиб қўл узатди.

Кўрибсизки, ваъдага вафо қилиб, ўша топда мукаммал техникага эга бўлган қурувчилар шафтолизорда шиддатли иш бошладилар.

Лўндасини айтганда, сил касалликлари диспансери учун янги бино қурилиши бошлаб юборилди.

Маълумки, Андижон пахтачилик институти Избоскан районининг Куйганёр қишлоғида жойлашган. Учинг ҳозирги 3- ётоқхонаси илгариги сил касалликлари диспансери ўрнида жойлашган. Институт очилди-ю, беморлар Маданият посёлкасига кўчирилди. Аммо касаллар учун янги жой талаб даражасида эмасди. Зах, қоронғи хоналар эски, санитария-гигиена қоидаларига жавоб бермайди. Шу сабабли янги типда замонавий бино қуриш кўзда тутилди. Қурилиш майдони қилиб, «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг шафтолизори танлаб олинди ва 4 гектар ер ажратилди. Қурилишни 9- механизациялашган кўчма колонна ўз зиммасига олди. Даставвал ишлар жадал суръатлар билан бошланди. Ҳатто шифокорларни шошилтириб қўйишди.

Бу орада район иккига бўлинди. Янги Пахтаобод райони ташкил топди. Кичкина бир объектда 5 та прораб ўзгарди. Қурилиш материалларининг нархи ошди. Сметадаги кўрсатилган пул битди. Қўшимча 200 минг сўм пул ажратилди. Чала қолган бино қурилиши тошбақанинг қимирлашидек давом этди. Келтирилган қурилиш материаллари бошқа объектларга ташиб кетилди. Ҳамма қўлини ювиб қўлтиғига артди-ю, фақат қоровул умидсиз бўлмади. Иш бўлса ҳам, бўлмаса ҳам маоши тайин бўлгач, у нега ғам есин. Шунга қарамай қоровул битмай қолган бинога ачиниб, ўртоқ Н. Исматуллаев бошлиқ қурувчилар келармикан деб ҳар куни йўлга қарайди.

Исмоил ВАЛИШИН,
Избоскан район санитария маорифи уйининг мудири, Халқ контроли комитетининг штатсиз инспектори.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ДА БОСИЛГАНДАН СЎНГ

«АЖАБ САВДОЛАР» НИМА БИЛАН ТУГАДИ

Газетанинг 1971 йил 16 октябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада «52-75 ТНГ» номерли такси машинасининг шофери йўловчилардан ортиқча пул олгани етмаганидек, қайтимини сўраганларга қўпол муомала қилгани ёзилган эди.

Мақола текшириш учун Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш автотрестига юборилган эди. 7-таксомотор парки раҳбар ходимларининг редакцияга хабар қилишича, мақола парк коллективи ўртасида муҳокама қилинган. Йўловчиларга қўполлик қилгани учун «52-75 ТНГ» номерли такси ҳайдовчиси Султоновга қаттиқ виговор берилган.

«Қаноти ола лайлак» деган кенг форматли рангли бадиий фильм шу кунларда Санъат саройи экранида намойиш қилинмоқда. Украин халқ эпик киноқиссасининг фазилатлари — ўзига хос драматургиясини, чуқур ғоявийлик принципларни асосида яратилганлигини тан олмоқ керак. Фильм, номланишидан тортиб санъаткорлар илгари сурган концепциясигача украин халқ фольклори мотивлари билан уйғунлашган ҳолда унинг энг яхши анъаналарини давом эттиради: инсон заковотини, яратувчанлик меҳнатини, меҳнат кишисини улуғлайди; зулм, жаҳолат ва урушни лаънатлаб, адолат, ҳақиқат, тинчлик мадҳини янгратади.

«ҚАНОТИ ОЛА ЛАЙЛАК»

КИНО

Фильм заминида Буковинанинг чегара қишлоғида 30-40 йилларда юз берган реал воқеалар ётади. Бироқ бу реал воқеа-фактлар сценарий авторлари Юрий Ильенко, Иван Миколайчук, постановкачи оператор Вилен Калюта тафаккуридан ўтиб, қайта ишлов берилиб, чинакам санъат ҳодисасига айланади, ҳозирги замон кинематографи намунаси сифатида бизни мафтун этади. Айниқса фильмда фольклорнинг ҳаётбахш таъсири, халқ поэзиясининг ҳарорати кучли сезилиб туради.

Фильмдаги энг яхши эпизодлардан бири тўй манзарасидир. Гўзал табиат. Яшарган олам. Қишлоқ аҳолиси миллий кийимларда маросимга тўпланган. Тўй маросими миллий анъанага риоя қилинган ҳолда ўтказилади. Музика садолари остида келин-қуёв рақсга тушиб, унутилмас дақиқаларни бошдан кечирадилар. Кинокадрлар куёвнинг ҳаётни қандай севганлигини, қушчақчақ табиатини, нозик ҳис-кечинмаларини кўрсатади, қаҳрамон ҳақида бизда илиқ таассурот қолдиради. Куй авжига минади. Актриса Л. Кадочникова ижросидаги келин Дана ўзига маҳрам қилиб олган Орест билан рақс тушади. Куёв Орест йирик планларда кўз олдимизда гавдаланади. Бу эпизод марказий қаҳрамонларни яқиндан таништиришда, уларни ўзига хос бўёқларда тасвирлашида муҳим роль ўйнайди, кейинги воқеаларга кучли турткi берган характерли эпизод ҳисобланади. Фильмда воқеалар давомида яна рақс эпизодига мурожаат этилади, бироқ бунда актёр Богдан Ступка ижросидаги Орест тамомила бошқа қиёфада кўринади: тиш-тирноғигача қуролланган бўлишига қарамай халқ ҳоинн ҳар нарсадан ҳадиксирайди. Кинокамера кўпроқ унинг кўзларига қаратилади. Унинг кўзлари эса олазарак, ҳамқишлоқларига тик қарашга ботинолмайди, халқига хиёнат қилган миллатчи ватанфурушнинг манфур қиёфаси ишонарли кинолавҳаларда ифодаланади.

Фильмда ижобий қаҳрамонлар — халқ қисматини ўзида мужассамлаштирган Лесь Звонарь (актёр А. Плотников), Петр (актёр И. Миколайчук), Остап (актёр Бакштаев), Георгий (актёр М. Ильенко) ва бошқалар характерли бўёқларда, миллий либосларда тасвирланади. Бу қаҳрамонлар мисолида халқ фожиаси билан танишамиз, халқ бахт-саодатининг осонликча қўлга киритилмаганлиги таъкидланади. Қизил аскар, тракторчи Остап билан боғлиқ бир эпизодни эслайлик. Авжи баҳор. Ер ҳайдаш палласи. Қаҳрамон эса тракторга тиркалган мослама билан ерни миналардан тозалайди, бу демак ҳаёт — ризқ йўлини очади. Фильмнинг сўнгги кадрларида халқнинг ўлмас қаҳрамонига муносиб бадиий бўёқлар топилади: озодлик ва меҳнат кишиси шарафига чаманзорга ўрнатилган ёдгорлик — эски трактор юксакликдан кўзга ташланиб туради. Кинокадрларда ранг ва нур муҳим элементлар бўлиб, тарихий давр, муҳит образини, қаҳрамон кечинма-кайфиятини тўлароқ очиб беради.

Санъаткорлар экран тасвирий воситаларидан унумли ва ўринли фойдаланадилар. Украин қишлоғида босқинчи румин боёнлари тартиби тугатилиб, Совет ҳокимияти ўрнатилганлигини ифодалаган эпизодни эслайлик. Ҳарбий оркестр тантанали марш чалиб турибди. Бутун қишлоқ аҳолиси катта тантанага йиғилган. Қизил командир эски тартиб рамзи, собиқ чегара устунини олиб ташлашга буйруқ бериш олдида. Шундай дақиқаларда Лесь Звонарь унга нон-насиба тутади, ўзининг ва халқининг азоб-уқубатлари ифодаланган, юракдан отилиб чиққан кўтаринки сўзлар билан мурожаат этади. Бинобарин, бобо ҳам умумлашма образ бўлиб кўзга ташланади.

«Қаноти ола лайлак» фильми ҳаётни севишга даъват этади, экраннинг бой тасвирий имкониятларини кўз-кўз қилади, юксак ғояни етук образларда, характерли деталларда ҳеч такрорланмаган ҳолатда томошабинга етказади. VII Халқаро Москва кинофестивалида олтин соврин олган бу фильм ҳозирги замон кинематографиясининг характерли намуналаридан биридир.

Борий ҲАСАНОВ.

Суратда: шу фильмдан кадр.

ЁШЛАР МАКТАБИ

ХОККЕЙ

Тошкентда хоккей командаси тузилармиш, деган шов-шув гаплар ҳам ортда қолди. Ўша кезлар биз ҳам кўплаб мухлислар қатори қувонгандик. Бугун эса улар «Спартак» деб ном олган командамизнинг қўлга киритаётган ютуқлари, рақибини доғда қолдираётгани ҳақидаги сўзларга ишонмай, уни кўриш ва завқланиш иштиёқида «зангори экран» қолиб «Юбилей» саройига ошиқяптилар. Кейинги пайтда команданинг навбатдаги учрашувларини кутиш, ўйин чоғларида улкан зални тўлдириб «шайба-шайба» деб спартакчиларни олқишлашлари ҳам шундан.

Марказий «Юбилей» спорт саройи фойдаланишга топширилганидан бери ўтган қисқа даврда катта ишлар амалга оширилди, дейиш мумкин. Шу кезлар муҳташам бино бағрида бўлажак муз устида балет раққосалари — ёш фигурачилар мактаби, болалар ва ўсмирлар спорт-хоккей мактаби талабалари музда коньки учиш сир-асрорларини ўрганишаётган бўлса, «Спартак» командаси хоккейчилари «А» класси иккинчи лигасининг шарқий зонасига кирувчи коллективлар билан куч синашиб, республикамиз шарафини ҳимоя қилмоқдалар.

Яқинда ёш хоккейчилар мактаби директори А. Майский билан суҳбатлашдик:

— Ўтган душанба куни мактабимизнинг расмий очилиш маросими бўлди, — дейди Альберт Викторович, — шу куни ёшларнинг хоккей бўйича олаётган билимлари ҳамда ўтказаётган машқларининг нафи қандай бўлаётганини синаб кўриш мақсадида талабаларни икки группага бўлиб, ўзаро куч синаштирдик. Ҳозирча қўлга киритилаётган натижалар чакки эмас. Хоккей мактаби ўқувчиларига Москвадаги жисмоний тарбия институтини тугатган В. Александров тренерлик қилмоқда.

— Хоккей мактабига неча ёшдаги болалар қабул қилинган?

— Ҳозир бизда 125 бола таълим оляпти. Уларнинг ҳаммалари Тошкент мактабларининг ўқувчилари. Хоккейга ҳавас қўйганларнинг аксарияти 8-16 баҳорни кўришган. Машғулотларни ҳафтасига уч марта муз майдонида машқ ўтказиш, икки марта умумжисмоний ҳаракатлар ва назарий билимлар бериш тартибида олиб бормоқдамиз. Ёшларимиз оёқларига илк марта коньки боғлаб музга тушганларига узоғи билан тўрт ойдан ошди. Лекин, улар чаққон, эркин ва ишонч билан ҳаракат қилишда биз кутганимиздан ҳам дуруст натижаларга эришмоқдалар. Айниқса, болалардан ака-ука Тошпўлатовлар, Ҳаким ва Атхам Муҳиддиновлар, Армен ва Артур Багиянцларнинг ютуқлари эътиборга лойиқ.

— Режаларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Мақсадимиз — янги хоккей мавсуми бошланишигача мамлакат чемпионати учун иккита ўсмирлар командаси ташкил этиб бериш. Шунингдек, Олмаота, Усть-Каменогорск ва Қарағандага бориб ўртоқлик учрашувида илк марта кучимизни синаб кўрмоқчимиз.

Ёшлар машқларни тугатишди. Муз майдонига антиқа машина ўрмалаб кирди:

— Таажжубланяпсизми, — деди «Спартак» командаси тренери Лев Гусев, — навбат бизга. Франциянинг «Буржэ» ва «Фис» фирмасида ишланган мазкур машина майдонни «сайқаллагач» учрашувни бошлаймиз. «Лиссалип» деб номланган бундай машина бизга катта ёрдам беряпти.

Тренернинг айтишича март — Тошкентда катта хоккей ойи бўларкан. Аввалига спартакчилар биринчи марта халқаро ўртоқлик учрашувида куч синашадилар. Улар Польша касаба союзлари терма командасини ўз майдонида қабул қилади. Мухлислар ўтган йил баҳор ойида «Тошкент-71» шиори остида ўтказилган турнир мусобақаларини яхши эслашади. Мамлакатимизнинг етук ва пешқадам командалари иштирокида ўтказилган ана шу турнир анъанавий бўлиб қолади. Республикамиз марказий газеталари совринни учун ўтган йили атиги тўртта команда иштирок этган бўлса, бу сафар уларнинг сафи яна ортадиган кўринади. Жумладан, соврин иштиёқида Тошкент музига олий ва биринчи лига командаларидан пойтахтнинг «Спартак», Воскресенскнинг «Химик», Челябинскнинг «Трактор», Минскнинг «Торпедо» ҳамда Усть-Каменогорскнинг «Торпедо» командалари хоккейчилари тушишмоқчи. Шуни ҳам айтиш кераккки, бу гал соврин учун курашда кучли командалар билан тошкентлик спартакчилар ҳам беллашадилар.

Спартакчилар қарийб икки ой давомида сафарда бўлишди. Бу кунлар хоккейчиларимиз учун ўзига хос имтиҳон бўлди. Спартакчилар ўз олдиларига қўйилган вазифани бажариш учун ҳаракат қилиб, дуруст натижаларга эришдилар. Улар Қозоғистон, Сибирь, Уралнинг турли шаҳарларида 16 учрашув ўтказиб, 18 очко билан қайтишди. Энг муҳими кучли бешликлар қаторидан жой олиш даъвогарлигини бой беришмади.

Мухлисларни «Спартак»нинг ўз майдонида Омскнинг «Каучук» командаси билан ўтказган ўйини жуда мамнун этди. Спартакчиларнинг ҳаракатлари энди ноябрь ойидагига нисбатан фарқ қилиб турди. Ҳужумкорлик ва тезкорликни шиор қилиб олган майдон эгалари омскликларни 3:2 ва 4:2 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Қарағанданинг «Строитель» командаси хоккейчилари билан бўлган иккинчи учрашув 3:1 ва 5:2 ҳисобида тугади. «Спартак» хоккейчилари яна бир ой сафарда бўладилар.

Ҳ. НОСИРОВ.

Суратда: спартакчилар ҳужумда.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Янгиликлар, 11.10 — **Ҳамма — палубаға!** (бадиий фильм), 12.30 — МОСКВА. 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Телеқўғирчоқ театри, 18.30 — **А. С. Пушкин** лирикаси, 19.00 — Ахборот, 19.15 — «Ёшлик» студияси кўрсатади, 20.00 — Миллионлар ленинча университети, 20.30 — Ахборот, 20.45 — Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион халқ университети, 21.15 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.05 — МОСКВА. 18.10 — Янгиликлар, 18.20 — Ўқувчилар учун кўрсатув, 19.00 — «Здоровье», 19.30 — Концерт, 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.30 — Фильмконцерт, 21.15 — Ёш ижрочилар. **Офелия Юсупова**, 21.55 — **Излаганга толе ёр** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 21.50 — Спорт эшиттириши.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/II да **Боғчасарой фонтани**, 9/II да **Травиата**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/II да **Парвона**, 9/II да **Олтин девор**, 10/II да **Табассум ўғрилэри**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 9/II да **Фарғона тонг отгунча**, 10/II да **Ярим тундаги ўғирлик**.

КИНО

Балиқлар қалқиб чиққан кун — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА», «ЧАЙКА», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Яшасин севги! — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Рам ва Шам (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Жаноб Крюшо-Нью-Йоркда — ҲАМЗА номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қаноти ола лайлак — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР.

АНГОЛА ВАТАНПАРВАРЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

ҚОҲИРА. (ТАСС). Ангола халқининг Португалия мустамлакачиларига қарши қуролли кураши бошланган кунга 11 йил тўлиши муносабати билан Анголани озод қилиш учун кураш халқ ҳаракати вакили Қоҳирада маҳаллий ва чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси ўтказди.

Халқ ҳаракати вакили Ангола халқининг империалистик мамлакатлар, биринчи навбатда АҚШ империализми қўллаб-қувватлаётган Португалия мустамлакачиларига қарши, миллий мустақиллик учун олиб бораётган мардонавор кураши тўғрисида ҳикоя қилиб берди.

Ангола ватанпарварлари мустамлакачиларга қарши 11 йил давомида олиб борилган қуролли курашда катта муваффақиятларга эришдилар ва Португалиянинг мустамлакачи маъмурияти ҳукмронлигидан озод қилинган территорияларни тобора кенгайтирмоқдалар, деб таъкидлади вакил. Озод этилган районларда янги ҳаёт қуриш авж олди, бу районларда қишлоқ хўжалик кооперативлари ташкил этилмоқда, мактаблар, касалхоналар, болалар боғчалари қурилмоқда.

АНВАР САДАТ ЛИВИЯГА КЕЛДИ

ТРИПОЛИ. Миср Араб Республикасининг президенти Анвар Садат Ливияга келди. Уни Бенгази аэропортида Ливия Революцион Кенгашининг раиси Муаммар Каддафи, Революцион Кенгаш аъзолари ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Анвар Садат Ливияга Дамашқдан келди. У Дамашқда Сурия президенти Ҳафиз Асад билан музокаралар олиб борган эди. А. Садат музокаралар чоғида Совет Иттифоқи ва Югославияга қилган визитларининг натижалари тўғрисида Ҳ. Асадни хабардор қилди. Улар Яқин Шарқ районида вужудга келган аҳволни ҳам муҳокама қилдилар.

(ТАСС).

ГЕНЕРАЛНИНГ САФАРИ

ЖАКАРТА. (ТАСС). АҚШ армияси штабининг бошлиғи генерал У. Уэстморленд Шарқий Жанубий Осиёдаги бир қанча мамлакатларда сафар қилиб юрибди. У Индонезияда уч кун турганидан кейин Австралияга жўнаб кетган. Америка генерали ўз визити вақтида Индонезия президенти Сухарто билан ва Индонезия қуролли кучларининг қўмондонлари билан музокаралар олиб борди. Шунингдек, у бир қанча ҳарбий базаларга ва Бандунг яқинидаги махсус машқ лагерига борди. Бу лагерда Индонезиянинг «яшил қалпоқ» отрядлари тайёрланмоқда. Шу ердаги ҳарбий машқ пунктларида Малайзия ҳарбий хизматчилари билан Пномпень армиясининг солдатлари ҳам «махсус тайёргарлик» кўрмоқдалар. Америка генерали Индонезия ҳарбий хизматчилари ҳузурида лекция ўқиди. «Индонезия обсервер» газетасининг ёзишича, шу лекция вақтида у «махсус вазифаларни бажарувчи» қўшинларни тайёрлаш методларига «қойил» бўлганлигини билдирган.

Шу визит вақтида Америка томони Шарқий Жанубий Осиёдаги баъзи бир мамлакатларнинг ҳарбий хизматчиларини «чангалзорлардаги партизанларга қарши кураш методлари» асосида тайёрлайдиган пунктлар миқдорини кўпайтириш имкониятини зўр бериб суриштирганлигини Жакартадаги кузатувчилар таъкидлаб ёзмоқдалар. Маълумки, АҚШ 1971-1972 молия йилининг ўзида конгресс тасдиқлаган «ҳарбий ёрдам программаси» доирасида Индонезияга 18 миллион долларлик қурол-яроғ ва ҳарбий анжомлар етказиб бериш мажбуриятини олган. Ҳарбий «ёрдам»нинг бошқа турлари билан қўшганда бу маблағ 25 миллион долларга етади.

ҚАТЪИЙ ОГОҲЛАНТИРИШ

РИМ. Италия пойтахти ва Рим вилояти меҳнаткашларининг 24 соатлик ялпи забастовкаси юз мингдан ортиқ киши иштирок этган катта намойиш ҳамда митинг билан тугади.

Забастовка Италиянинг ҳукмрон синфларига қарата қатъий огоҳлантириш бўлди. Забастовка қатнашчилари демократик ўзгаришлар бўлишини, меҳнаткашларнинг моддий аҳволини яхшилашга қаратилган бир қанча кечиктириб бўлмайдиган социал-иқтисодий ислоҳатларни амалга оширишни ҳамда мамлакатнинг сиёсий йўлини ўнг томонга срдиришга бўлган уринишнинг олдини олишни талаб қилдилар.

ВАТАНЛАРИГА ҚАЙТИШМОҚДА

ДЕҲЛИ. 7 миллиондан ошиқ қочоқ ўз ватанига — Бангладеш Халқ Республикасига қайтиб келди.

Ҳиндистон территориясида вақтинча турган қочоқларнинг қисматини енгиллаштириш учун Ҳиндистон ҳукумати уларга 150 минг тонна озиқовқат берди. Ҳиндистон ва Бангладеш ҳукуматлари миллион-миллион қочоқларни уйжой, дори-дармон ва бошқа энг зарур нарсалар билан таъминлаш учун ҳам ҳамма кучғайратларини сарфламоқдалар.

БАНГЛАДЕШ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ТАНИЛДИ

◆ ЛОНДОН. Англия ҳукумати Бангладеш Халқ Республикасини таниди. Ташқи ишлар ва миллатлар ҳамдўстлиги ишлари министри А. Дуглас-Хьюм Англия парламентининг жамоалар палатасида шу гапни маълум қилди.

◆ ФИНЛЯНДИЯ президенти У. Кекконен Финляндия Бангладеш Халқ Республикасини мустақил давлат сифатида таниганлиги ҳақида қарор қабул қилди.

Норвегия, Швеция, Дания ҳукуматлари ҳам Бангладеш Халқ Республикасини танидилар. (ТАСС).



КУБА. Мамлакат портларида иш қизғин. Турли мамлакатлардан келган кемаларни бўшатиш ва уларга юк ортиш бир кун ҳам тинмайди. Суратда: Гавана портида. Куба ишчилари автоюклагич ёрдамида кемаларга юк ортишмоқда.

Е. Куницин фотоси, (ТАСС).

БАНГЛАДЕШ ЯНГИЛИКЛАРИ

●

РИМДА ЯЛПИ ЗАБАСТОВКА

●

МУСТАМЛАКАЧИЛАР ЗАРБАГА УЧРАМОҚДАЛАР

●

АМЕРИКА ХАЛҚИ УРУШГА ҚАРШИ



БАНГЛАДЕШ. Мамлакатнинг шаҳар ва қишлоқларида ҳаёт ўз изига тушиб бормоқда. Хўжалик ва маъмурий ишлар йўлга қўйилмоқда. Магазин ва бозорлар очилиб, давлат муассасалари ишга тушаётир. Суратда: Жессур яқинидаги хўжалик деҳқонлари дала ишларини бошлаб юборишди.

С. Буланцев фотоси. (ТАСС).

ХАЛҚАРО ОБЗОР

АГРЕССОРЛАР АЙЁРЛИК ҚИЛМОҚЧИЛАР

Ҳинди-Хитойдаги агрессив уруш Америка халқининг жуда жонига тегди. Қўшма Штатларда урушга қарши ҳаракат кенг қулоч ёзганлиги буни очиқ-равшан кўрсатиб турибди. Вьетнамдаги урушга қарши норозилик намойишлари шу қадар кучайиб кетдики, Оқ уйнинг темир тўсиғи ҳам, сонсаноқсиз соқчилар ҳам АҚШ президентини шу намойишлардан тинч сақлай олмаётир.

Президент Никсон консерватив журнал «Ридерс дайжест» редакторларига тантанали равишда медаль топшираётган бир пайтда Оқ уйда «ҳунрезликни тўхтатинглар!» деган плакат кўзга ташланиб қолди. Тантанали маросимда концерт берган ансамбль қатнашчиларидан бири Кэролл Ферачи исмли аёл шу плакатни боши узра баланд кўтарди. Ҳамманинг нафаси ичига тушиб кетган шу дамда мард аёл саҳнага чиқиб: «Вьетнамдаги одамлар бошига бомба ёғдиришни, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини қирғин қилишни тўхтатинглар» деб хитоб қилди.

Шуниси диққатга сазоворки, Ферачи урушга қарши курашаётган биронта ташкилотга мансуб эмаслиги кейинчалик маълум бўлди. Демак, унинг норозилиги Пентагоннинг Вьетнамдаги қонли жиноятларидан америка халқининг жуда кенг табақалари ғазабланаётганлигининг табиий бир ифодаси бўлди. Эртаси куни «Нью-Йорк таймс» газетаси америкаликларнинг жуда кўпчилиги Ҳинди-Хитойдаги урушнинг дарҳол тўхтатилишини талаб қилмоқда, деб тан олишга мажбур бўлганлиги бежиз эмас.

Мамлакатда бошланиб кетган сайлозолди кампанияси шароитида жамоатчиликнинг бундай кайфиятда эканлигини ҳисобга олиб, АҚШ ҳукумати устомонлик қилмоқчи бўлмоқда. Ҳукумат Вьетнам проблемасини тинч бартараф этиш йўлларини Вашингтон актив равишда қидириш билан шуғулланмоқда, деган таассуротни вужудга келтиришга зўр бериб уринмоқда. АҚШ ҳукуматининг ВДР ва АҚШ вакиллари ўртасида ўтказилган айрим учрашувларни эълон қилишга қарор берганлигининг асосий сабаби ҳам ана шу. Лекин бунда ана шу учрашувлар эълон қилинмайди, деган келишувга хилоф иш тутилди, фактлар қўпол равишда бузиб кўрсатилди.

Вьетнамга бағишланиб Парижда ўтказилаётган кенгашдаги ВДР делегацияси Вашингтоннинг бу хунук найрангини кескин фош қилиб ташлади. Ана шу учрашувларга доир ҳақиқий ҳужжатларни ВДР ҳукумати энди эълон қилди. Бу ҳужжатлар АҚШ ҳукуматининг Ҳинди-Хитойдаги сиёсати риёкорликдан иборат эканлигини бутун дунёнинг кўз ўнгида яна бир марта намойиш қилиб кўрсатди. Сиёсий кузатувчиларнинг шу муносабат билан таъкидлаб ёзишича, Париж кенгашидаги Америка делегацияси ҳужжатларнинг эълон қилинишидан саросимага тушиб қолдилар. Америка афкор оммасини чалғатишга уринган АҚШ ҳукуматининг пропаганда соҳасидаги найранги энди бутунлай фош бўлди. Вьетнамга бағишланган Париж кенгашидаги ҳақиқий аҳволни бутун дунё билиб олди. Парижда чиқадиган ҳафталик «Франс нувель» газетаси Вашингтон пропаганда соҳасида мана шундай риёкорлик қилиб турган бир пайтда ВДР территорияси ёппасига бомбардимон қилинганлигини таъкидлаб, «Америка ҳукуматининг «тинчлик плани» янги уруш планига айланиб кетди», деб ёзди.

МАШАҚҚАТЛИ ЮК

Халқаро реконструкция ва ривожланиш банкининг ҳозирги президенти Макнамара бир вақтлар мудофаа министри бўлиб юрган пайтида Қўшма Штатлар Вьетнам урушига ўхшаш бир эмас, ҳатто икки урушни олиб бориш билан бир вақтнинг ўзида мамлакат ички ривожининг ҳамма талабларини тўла қондира олишни ҳам уддалайди, деган эди. Шу гап айтилгандан бери орадан тўрт йил ўтар-ўтмас, ҳаётнинг ўзи ана шу чиранчиқ, мақтанчоқни шармандаишармисор қилиб қўйди.

«Вьетнамдаги уруш мамлакатимизда рўй берган руҳий тангликнинг сабабларидан бири бўлди, иқтисодий проблемаларимизнинг боиси ҳам ана шунга бориб тақалади». Президент Р. Никсоннинг ўзи мамлакатнинг аҳволи тўғрисида конгрессга йўллаган одатдаги йиллик мактубида ана шундай деб тан олишга мажбур бўлди. Шу тариқа Америка президенти бутун дунёга кўпдан бери равшан бўлган гапни эътироф қилди, холос. Ҳарбий харажатларнинг оғир юки зарбидан Америка экономикаси ночор аҳволга тушиб қолди. Қўшма Штатлар мамлакатни милитаризациялаштирганлиги, Ҳинди-Хитойдаги жиноий авантюраси оқибатида ўз валютасининг кризисига дучор бўлди, тўлов балансидаги камомат кўпайиб кетди, жаҳон бозорларидаги мавқе заифлашиб қолди.

20 асрда АҚШнинг ташқи савдосида экспорт доимо импортдан устун бўлиб келган эди. 1971 йилда, кейинги саксон йилда биринчи марта Америка ташқи савдосида 2 миллиард доллардан ортиқ камомат рўй берди. Бу — Қўшма Штатларнинг экспортни ўстириш суръатлари жиҳатидан ўз рақобатчиларидан доимо орқада қолаётганлигининг сабаби бўлди. АҚШ молия министри Коннэлли яқинда айтиб берган маълумотларга қараганда, кейинги ўн йил ичида Япониянинг экспорти беш баравар, Ғарбий Германиянинг экспорти уч баравар, Қўшма Штатларнинг экспорти эса атиги икки баравар кўпайган.

Жуда катта ҳарбий харажатлар юки ортиб қўйилган Америка экономикаси меҳнат унумдорлигини ошириш жиҳатидан ҳам рақобатчиларидан орқада қолиб кетмоқда. «Саноат ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш соҳасидаги мусобақада Қўшма Штатлар ютқазиб қўймоқда» деган гапни яқинда Америка савдо палатасининг раиси Дэвис тан олди.

Лекин АҚШдаги ҳарбий-саноат комплексининг таъсири шу қадар зўрки, у мамлакатга қуролланиш пойгасининг янги даврасини зўрлаб ўтказишга муваффақ бўлди. 1972—73 молия йилидаги ҳарбий харажатлар сметасининг конгресс тасдиғига тақдим этилган лойиҳаси Пентагон бюджетини 83,4 миллиард доллардан иборат астрономик миқдорга етказишни, яъни ўтган йилги бюджетдан 7 миллиард доллардан кўпроқ оширишни кўзда тутади. Бу ҳол Америка капитализмининг кризисини янада кучайтиришга олиб бориши шубҳасиз.

(ТАСС).

«ЭРКИН ДУНЁ» ҚИЁФАСИ

КУНИГА 260 МАШИНА

1968 йилда Нью-Йоркда 77448 автомобиль ўғирланди. 1970 йилда эса 94835 та, яъни кунига деярли 260 машинани ўғирлаб кетишди. Бирон машина ўғирлаганларни қўлга тушириш анча камайди, — дея таъкидлади Нью-Йорк полиция бошқармасининг офицери Артур Дейч, — чунки ўғриларнинг малакаси жуда ошиб кетмоқда.

ШУНИСИ ТИНЧРОҚ...

Яқинда Нью-Йорк штатида маъмурий биноларни пўлат эшиклар, деразаларни эса ҳимоя воситалари билан жиҳозлаш учун 27 минг доллар ажратилди. Маъмурият ходимларининг тинчгина ишлашлари учун шундай қилинди. «Чунки, 1971 йилда намойишлар жуда кўп бўлди, — дейди хизматчилардан бири, — Бу йил эса янада кўпроқ бўлади».

ҚЎШИҚ ИШҚИБОЗЛАРИГА

Байрам кунлари Нью-Йоркда «Янграқ қўнғироқлар» қўшиғи ёзилган пластинкалар чинакамига талаш бўлиб кетди. Қизиғи шундаки, қўшиқни беш ит пудель, терьер, пинчер ва икки овчарка ижро этишганди. Ана шу пластинкадан 400 мингдан зиёди бирпасда сотиб бўлинди.

РЕКОРД

Америкалик ишсиз актёр Кеннет Жиж устун устида ўтириш бўйича янги рекорд ўрнатди. Устун устига ўрнатилган махсус хоначада у 8 ой, 4 кун ўтирди. Аввалги рекорд 1959 йилда ўрнатилган бўлиб, 211 кунга тенг эди. «Мен бир йилгача ҳам ўтиришим мумкин эди», дея мақтанди янги чемпион.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА
10, 12, 13 февраль кеч соат 7 яримда
ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
М. МИТРОВИЧ асари
М. ЛИВШИЦ музикаси
«ЯРИМ ТУНДАГИ ЎҒИРЛИК»
(икки пардали водевиль)
Русчадан **Ҳамид ҒУЛОМ** таржимаси.
Постановкачи режиссер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Б. ИХТИЁРОВ.
Рассом — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби ВИЗЕЛЬ Г. А.
Балетмейстер — О. НАЗРУЛЛАЕВ.
Дирижер — Э. ТОШМАТОВ.
Концертмейстер — А. Б. МАЛИНА
Режиссёр ассистенти — Р. МУҲИТДИНОВА.

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Кафедра доцентлари: сиёсий иқтисод, КПСС тарихи, совет ҳуқуқи, иқтисодий география, иқтисодий кибернетика;
кафедра катта ўқитувчилари: хўжалик фаолиятининг анализи, статистика, олий математика, молия, жисмоний тарбия;
кафедра доцентлари, катта ўқитувчилари, ассистентлар: бухгалтерия учёти, иқтисодий информацияни машинада ишлашни ташкил қилиш, технология.
Конкурс муддати — 4 мартгача.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 183-уй.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва Ўзбекистон Театр жамияти Ўзбекистон ССР халқ артисти

Гавриил Аронович МУЛЛАҚАНДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қиладилар.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари 1943 йилдан бери КПСС аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор

Қулмурод Муродович ШОДМОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №26, Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683, Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, 337221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331453. Халқаро ҳаёт — 337221, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780, Совет қурилиши — 333258, Қишлоқ хўжалиги — 337604, Адабиёт ва санъат — 332036, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424, Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553, Иллюстрация — 334524, Стенографистка — 337343, Корректура — 337152, Эълонлар — 338142, Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258.
ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85. Бухоро — 3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз 54—01. Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44.